**ЁШ АВЛОД КАМОЛИГА МАСЪУЛЛИК**
Қонунга биноан вояга етмаган бола 18 ёшгача тунги соатларда ота-она ёки ота-она ўрнини босадиган вакилсиз кафе ёки ресторанларга киритилмайди.
2 бет

**ШАРОИТИМИЗ ШАҲАРНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ**
Илгари бундай шароитни фақат орзу қилардик. Қисқа фурсат ичида иссиқ-совуқ сув, шинамгина ошхона ва бошқа кўплаб қулайликлари бор уй-жойга эга бўлдик.
3 бет

**ҚЎҒИРЧОҚЛАР ОВУНЧОҚ...МИ?**
Бу «оммавий маданият»нинг оддийгина кўриниши, афсуски, маънавий таҳдиднинг бир қарашда беозор, ўта маданиятли ва жозибадор бундай кўринишлари талайгина.
8 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

21 (727)

# Mahalla

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри 2010 йил 27 май. Пайшанба 1996 йилдан чиқа бошлаган

# ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26 май куни Андижон вилоятида бўлди.**

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётир.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 11 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди.

Андижон кейинги йилларда мамлакатимизнинг саноати жадал ривожланаётган вилоятларидан бирига айланди. Асакадаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган енгил машиналар наинки мамлакатимизда, балки хорижда ҳам харидоргир. Саноат корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш давом этаётир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ, вилоятдаги экспорт қилувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватланаётгани уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Натижада 2010 йилнинг биринчи чорагида вилоятда экспорт ҳажми 59,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Президентимиз Андижон вилоятига сафарини ҳарбий қисмларнинг биридан бошлади. Юртбошимиз ҳарбийларнинг яшаш шароити билан қизиқди. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ҳар доим долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Кейинги йилларда Андижон вилоятида ҳам сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси изчил ривожланиб бораётир. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида, қишлоқларда савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари сони тобора ортмоқда. Ўтган йили вилоят туманларида саккизта замонавий савдо мажмуалари ишга туширилди. Бу аҳолига катта қулайликлар яратиб, жойлардаги инфратузилма ривожига хизмат қилмоқда.

Хўжаобод туманида бунёд этилган савдо мажмуаси ўзининг кўркам қиёфаси, сервис ва хизмат кўрсатиш шароитининг юқорилиги билан Андижондаги энг гавжум масканлардан бирига айланди.

Замонавий талаблар асосида бунёд этилган йигирмадан зиёд савдо дўкони, минибанк ва дорихонани ўз ичига олган мажмуада сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган.

Мажмуада "Ўзэлтехсаноат", "Файз холдинг", "Ўзбекенгилсаноат" сингари йирик уюшма ва компанияларда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, саноат ва тўқимачилик маҳсулотлари сотилмоқда.

Президентимиз савдо мажмуаси фаолияти билан танишди.

— Қишлоққа саноатни олиб кириб, маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркор ва фермерларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиб беришимиз лозим, — деди Ислом Каримов. — Одамларнинг онгу шуури, дунёқараши бутунлай ўзгарди. Бугун улар аввало сифатли маҳсулотни харид қилади. Демак, мажмуада сотилаётган ҳар бир маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат бугунги кун талабига жавоб бериши керак.

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, замонавий сервис хизматини кенгайтириш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар салмоғини янада оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Асака ва Олтинкўл туманларида намунавий лойиҳалар асосида олтмишта уй қуриб битказилди.

Юртбошимиз Олтинкўл туманидаги "Иттифоқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган ана шундай замонавий уйларни кўздан кечирди. Бу уйларга кўчиб кирган хонадон соҳиблари билан суҳбатлашди.

— Албатта, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уйлар, янги йўллар, сув, газ ва электр тармоқларини барпо этиш, умуман инфратузилмани кенг ривожлантириш одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини ўзгартиради, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди, — деди Юртбошимиз. — Ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш учун аввало фарзандларимизга муносиб шароит яратиб беришимиз керак.

— Бундай кўркам, барча шароит ва қулайликларга эга уйларда яшашни илгари фақат орзу қилар эдик, — деди янги хонадон соҳибаси Асалхон Расулова. — Одам бунақа замонавий уйда яшаса ҳаётта муносабати ҳам ўзгарар экан.

Баркамол авлод йилида Андижон вилоятида намунавий лойиҳа асосида 620 турар-жой барпо этилади.

Юртбошимиз Андижон шаҳрининг Шўрбулоқ даҳасида бунёд этилган, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуасини бориб кўрди. Бу ерда ёшларнинг машғулотлар ўтказиши, дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Президентимиз мажмуа номини Андижон футбол коллеж-интернати деб аташни таклиф этди. Бу ерда спорт билан шуғулланадиган ёшлар нафақат жисмоний бақувват, айни вақтда юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб тарбияланиши лозим. Бунинг учун тажрибали мураббийларни жалб этиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Болалар шаҳарчасини 16 замонавий уй-жой, сузиш ҳавзаси, бокс ва гимнастика заллари, стадионни ўз ичига олган спорт мажмуаси, ёзги амфитеатр ва мусиқа залига эга ҳақиқий шаҳарча дейиш мумкин. Ушбу масканда 112 нафар бола тарбияланмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур шаҳарчада бўлиб, болалар билан суҳбатлашди. Уларнинг ўқиши, келажакдаги режалари билан қизиқди. Яшаш шароитини кўздан кечирди. Ислом Каримов Болалар шаҳарчасига Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган автобус совға қилди. Болажонларнинг барчасига турли ўйинчоқлар туҳфа этилди.

28 май куни Андижонда «Универсиада — 2010» ўйинлари бошланади. Универсиада мусобақалари олдидан Андижон шаҳрида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мусобақалар ўтказиладиган 31 объект замон талаблари асосида таъмирланди. Жумладан, асосий беллашувлар бўлиб ўтадиган Андижон давлат университети, қишлоқ хўжалик институти, чет тиллар институти, тиббиёт институти, Олимпия захиралари спорт коллежи янгича қиёфа касб этди. Мавжуд спорт заллари таъмирдан чиқарилди ҳамда зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди. Мусобақа иштирокчилари учун барча қулайликлар яратилди.

Президентимиз "Универсиада — 2010" мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтадиган "Соғлом авлод" стадионидаги тайёргарлик ишлари билан танишди.

Юртбошимиз Андижон вилоятида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини таъкидлар экан, ҳали қилиниши зарур бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратди ва тегишли топшириқлар берди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

# Ҳар фарзандга — меҳр, эътибор!

**ЖОРИЙ** йилнинг 26 май — 2 июнь кунлари Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан мазкур шиор остида мамлакатимизда махсус ҳафталик ўтказилади.



Юртимизда бирор-бир тадбир йўқки, болалар иштирок этмаса. Жажжи фарзандларимизнинг беғубор табассумида халқимизнинг руҳияти, истак-орзулари мужассам. Болажонларнинг шодон кулгуларида Ўзбекистоннинг асрий орзулари ушалаётганидан далолат ва албатта, эртанги буюк келажакнинг қўнғироқлари жаранглаётгандек.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари юрт эртаси бўлган авлод вакилларига тўла-тўкис шароит яратиш, уларнинг келажаги нурафшон бўлишига замин ҳозирлашга қаратилган. Шу кунларда жонажон диёримизнинг шаҳару қишлоқларида, маҳаллаларида халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ҳар фарзандга меҳр, эътибор!» шиори доирасида қатор тадбирлар уюштирилмоқда.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ҳафталик тадбирларига юртимиздаги Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари кенг жалб этилмоқда. Маҳаллаларда, мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида, истироҳат боғларида ахборот-ресурс марказларида маънавий-маърифий мавзуларда концертлар, томошалар, учрашувлар ҳамда спорт мусобақаларини ташкил этиш белгиланган бўлиб, мутасадди ташкилотлар томонидан ушбу тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

— Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини кўтаринки руҳда ўтказиш юзасидан аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз. Шу асосда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларида 20-25 май кунлари ушбу санага бағишланган расмлар ва иншолар кўриги ўтказилди, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бош котиби Наврўз Мусаев. — Унда шаҳримизнинг қатор маҳаллаларидан минг нафарга яқин бола қатнашди. Асосийси, ёшлар ўз ижодлари орқали Ватанга бўлган меҳру муҳаббатини намойиш этишди. Бундан ташқари, байрам муносабати билан кам таъминланган оилаларнинг минг нафар фарзандига жамғармамиз томонидан спорт футболкалари топширилади.

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ [8]

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Ватан шаънин улуғлар мудом

**ЁШ АВЛОДНИ** жисмоний ва маънавий баркамол, соғлом фикрли ва иродали қилиб тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани айни муддао бўлди. Ўтган давр мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида юртимизда 1117 та болалар спорт иншооти барпо этилиб, фойдаланишга топширилгани ташаббуснинг қанчалик ҳаётбахш бўлганлигини кўрсатмоқда.

Энг муҳими, болалар спортини ривожлантиришга эътибор берилиши натижасида мамлакатимизда спортни қуйи бўғиндан юксалтиришнинг яхлит тизими юзага келди. Замонавий болалар спорт мажмуалари, муҳташам теннис кортлари, стадионлар бунёд этилиши туфайли юртимизнинг минглаб фарзандлари жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатига кенг жалб қилинмоқда. Натижада Ватан шаънини жаҳон майдонларида муносиб ҳимоя этадиган профессионал спортчилар мактаби яратилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, «Ҳозирги вақтда спорт секциялари ва гуруҳларида мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси мунтазам шуғулланиб келмоқда, шуларнинг 35 фоизини қизлар ташкил этади. Натижада мактаб ёшидаги болалар ўртасида касалликка чалиниш анча камайди, уларнинг фаоллиги ва жисмоний маданияти ошди».

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ > [4]

ҲАФТА МАВЗУСИ

# Жамғарма республика бошқарувида

"МАҲАЛЛА" жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда 2009 йил 1 июлдаги "2009—2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар Дастури тўғрисида"ги қарорларига асосан, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом оилани шакллантириш юзасидан жойларда тарғибот ишларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, моддий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалардаги туғиш ёшидаги аёллар ва болаларга соғломлаштириш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатиш, аҳоли ўртасида соғлом бола туғилиши, ёш авлодни жисмоний ва маънавий шакллантириш, фуқаролар йиғинларида тиббиёт муассасалари ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари мутасаддиларининг ҳисоботларини эшитиб бориш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуининг 2010 йил 17 майдаги "Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни" муносабати билан жорий йилнинг 26 май—2 июнь кунлари "Ҳар фарзандга — меҳр, эътибор!" шиори остида махсус ҳафталикни ташкил этиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама этилди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига биноан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болалар, "Меҳрибонлик" уйлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун хайрия тадбирлари ва манзилли ёрдамлар ташкил этиш бўйича ҳамкор ташкилотларни жалб этиш белгилаб олинди.

Бундан ташқари, пойтахтимизнинг Ғ.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ўтказиладиган махсус байрам тадбирида совға-саломлар улашиш чоралари ишлаб чиқилди.

Мажлисда Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майдаги «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ўз навбатида, коллеж, мактаб ва лицейлар ўқувчиларини мунтазам спорт билан шуғулланишга жалб этишда фуқаролар йиғинлари ва маҳалла фаолларининг масъулиятини ошириш, «Болалар спорти объектларидан унумли фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш» бўйича ишчи гуруҳи тузиш ва назорат олиб бориш йўриқномаси ишлаб чиқиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама этилди.

**Мухбиримиз.**

ҚОНУНГА ШАРҲ

# Ёш авлод камолига масъуллик

Кейинги беш-ўн йилда шаҳарларимиз, қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Ҳар бир қишлоқ, маҳаллада замонавий бинолар — кинотеатр, клуб, ресторан, интернет-кафелар қурилиб фойдаланишга топширилди. Булар турмуш тарзимизга қулайликлар олиб кирди, албатта. Аммо мазкур маданият ўчоқлари, баъзи одамларнинг эътиборсизлиги, масъулиятсизлиги туфайли «оммавий маданият»ни тарғиб қиладиган, фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган масканларга айланаётгани ҳам сир эмас.

2010 йилнинг 27 январида Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги» қарори қабул қилинди. Қарорнинг биринчи бандида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг баркамол ривожланишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси белгилаб қўйилган.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни қабул қилинди ва Сенат томонидан маъқулланди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, таълим, спорт соҳасини ривожлантиришдаги кенг қамровли ислоҳотлар самараси туфайли вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиши кузатилмоқда. Жумладан, ўтган 2009 йилда болалар ўртасида жиноятчилик 2,6 фоизга камайди. Аммо баъзи жойларда болаларнинг қаровсизлиги, улар томонидан ўқув муассасаларини ташлаб кетиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Шунингдек, текширишларда вояга етмаганлар, асосан, тунда жиноятга қўл ураётгани аниқланди. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳар учинчи жиноят болалар томонидан айнан тунда содир этиляпти. Биз юқорида тилга олган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тунда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослашган жойларда ёки кўнгил очиш, дам олиш соҳасида фойдаланиладиган бошқа хоналарда бўлишига йўл қўйганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Меҳнат кодексининг 122-моддасига мувофиқ, соат 22.00 дан соат 6.00 гача бўлган вақт тунги вақт ҳисобланади. Демак, қонунга биноан вояга етмаган бола 18 ёшгача тунги соатларда ота-она ёки ота-она ўрнини босадиган вакилсиз кафе ёки ресторанларга кирса, мазкур муассаса раҳбарига нисбатан энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорида маъмурий жазо қўлланилади. Бу эса бир болага етти маҳалла ота-она, деган барҳаёт мақолимизга мос бўлиб, фарзанд тарбиясида нафақат ота-онанинг, балки маҳалланинг, жамоатчиликнинг масъулиятини янада оширади.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.

Ёшлар келажагимиз экан, келажагимизга ҳамма ҳавас билан боқиши эзгу ниятимиз. Шу боис, фарзандларимиз баркамол бўлиб улғайишига жамиятнинг ҳар бир аъзоси масъулдир.

**Комила КАРОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

ТАҲЛИЛ

# Тарбия — энг биринчи масала

Халқаро майдонда мафкуравий ва ғоявий курашлар кечаётган ҳозирги мураккаб даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш асосий вазифаларимиздан биридир. Ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, фуқароларда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга даҳлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта турмушимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш фаолиятимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

«Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими бошқаруви ва туман бўлинмалари фуқаролар йиғинлари кўмагида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, бу борадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун барча имкониятларини ишга солмоқда. Маҳаллалардаги тарғиботчи гуруҳлар таркибига зиёлилар, ўқитувчилар, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамшира ва шифокорлари, имом-хатиб ва фаоллар жалб қилингани ўз самарасини бераётир.

Ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишда маҳалла ҳамда оиланинг ўрни катта эканини эътироф этиш жоиздир. Хусусан, бу борадаги тадбирларни ўтказишда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси аъзолари жонбозлик кўрсатиб келишяпти. Тарбиявий ишларда фуқаролар йиғинлари қошидаги Хотин-қизлар, Ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш, Яраштириш, Тўй ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш комиссияларининг ўрни ва иштироки яққол сезилмоқда.

Ўзим ҳам маҳаллада яшаётган бир фуқаро сифатида айтишим мумкинки, бу масканда кўпчиликнинг назаридан четда қолиб, бўлмайди. Бирор киши шу ерда яшаб, димоғдорлик қилса, уни қариялар чақириб, насиҳат қилишади. Бу — маҳалланинг тарбия ўчоғи эканини билдиради. Фуқаролар ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик муносабатларини тарбиялаш ҳам халқимизга хос урф-одат ҳисобланади.

Дарҳақиқат, жойларда доимий равишда ўтказиб келинаётган «Маҳалла жонкуярлари», «Энг обод, энг кўркам, энг ибратли маҳалла», «Энг оқибатли тадбиркор», «Менинг маҳаллам — менинг бахтим», «Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан» номли кўрик-танловлар жамоавий тарбиянинг синалган усулларидан экани ҳеч кимга сир эмас.

Айни пайтда аҳоли ўртасида кенг кўламли маънавий-маърифий ишларни ўтказишда жонбозлик кўрсатаётган тарғиботчиларни рағбатлантиришнинг ўзига хос усулларидан фойдаланяпмиз. Жумладан, йиғин идораларида «Маҳалламизнинг жонкуяр аёллари», «Маҳалламиз ҳаёти», «Бундайларга эргашинг» номли кўргазма ва фото стендларни ташкил этиб, фаол ва етакчиларнинг суратлари, иш тажрибасини намойиш этиш йўлга қўйилган. Қолаверса, фаолларни ҳудуддаги тадбиркор ва фермерлар ҳомийлигида моддий, маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бораётганимиз беҳуда кетмаяпти.

Хонадонларда тинчлик, осойишталикни таъминлаш ҳам фуқаролар йиғинлари томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг бир бўғини ҳисобланади. Ҳар бир ҳудудда милиция таянч пункти инспектори ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси аъзолари ёрдамида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратяпмиз. Бу ишларга «Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлик марказлари фаоллари жалб этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Маҳалла ёшларини турли спорт мусобақаларига, кўрик-танловларга жалб этиш бўйича халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Ҳунарманд» уюшмаси ва бошқа масъул ташкилотлар ҳамкорлигида дастурлар ишлаб чиқилган. Нотинч оилалар, яккаёлғизлар, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар билан олиб борилаётган ишлар, айниқса, эътиборга молик.

Хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавий-маърифий ишларни олиб бориш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари бўлимимизнинг йиллик иш режасида алоҳида белгиланган. Шу боис, нотинч оилалар доимо комиссия аъзоларининг эътиборида. Улар бундай хонадонларга кириб, руҳий ва ҳуқуқий маслаҳатлар беришни канда қилишмаяпти. Мақсадимиз — хотин-қизларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймаслик, уларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишдан иборатдир.

Аҳолини маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси, участка профилактика нозирларидан алоҳида фидойилик талаб қилади. Бунинг учун уларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига ишонч руҳида тарбиялашнинг самарали усулларидан унумли фойдаланиш, терроризм, ақидапарастлик, экстремизмнинг қабиҳ ниятини фош қилишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини изчил олиб бориш, хотин-қизларни ҳушёрликка, огоҳликка даъват этиш борасида ҳам маҳаллаларда муайян ишлар олиб борияпти.

**Абдурашид РУСТАМОВ,**
**«Маҳалла» жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви раиси.**

МАҲАЛЛА МАРКАЗИ



© фото-Носир Ҳайдаров

# Аҳиллик самараси

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги "Аҳилобод" маҳалласи марказида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бундай қулай шароитда фаолият юритаётган маҳалла мутасаддилари оқсоқоллар, тадбиркорлар ва ҳомийлардан миннатдор.

— Маҳалламизда 6 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди "Аҳилобод" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ким Вечеслав. — Мазкур мажмуани бунёд этишда, таъмирлаш ва зарур мебель жиҳозлари билан таъминлашда ҳомий ташкилотлар ва тадбиркорларнинг хизмати катта бўлди.

Бу мўъжаз даргоҳга ташриф буюрган киши йиғин мутасаддилари учун алоҳида шинам ва ёруғ хоналар ажратилганини, шунингдек, ҳар бир ходим зарур ўқув қўлланмалари билан таъминланганлигини кўриб қувонади.

Келгусида йиғин мутасаддилари ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида қатор спорт майдончаларини қуриш ва борларини таъмирлашни режалаштиришган.

**Ҳ.СУЛТОНОВ**



## Республикамиз маҳаллаларида

# Масъул котиблар ўқуви

«МАҲАЛЛА» хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими бошқарувида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда жамғарманинг иш режаси ижросини таъминлаш, аҳолига дастурнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, маҳалла фуқаролар йиғинларида жамғарма республика бошқаруви томонидан ташкил этилган спорт мусобақаларини ўтказишга кўмаклашиш мақсадида жамғарманинг туман, шаҳар бўлинмалари масъул котибларининг ўқув-семинари ўтказилди.

Семинарда жамғарма вилоят бўлими бошқарувининг масъул котиби Р.Ибрагимов 2010 йилги иш режаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар хусусида маъруза қилди. Шунингдек, жамғарманинг туман, шаҳар бўлинмалари масъул котиблари томонидан шу пайтгача жойларда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда йўл қўйилган айрим камчиликлар ва бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан йўл-йўриқлар ҳақида фикр юритилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

# Тадбиркор туҳфаси

ЯҚИНДА хонқалик тадбиркор Хушнуд Бекматов "Халқ банки"нинг Хоразм вилоят филиалидан 80 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олган эди. Тадбиркор бу кредитга «Чевар» хусусий корхонаси учун хориждан замонавий технологиялар олиб келди. Шундан сўнг корхона фаолияти янада жонланиб, ўндан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Қувонарлиси, тадбиркор Х.Бекматов яратилган янги иш ўринларига ўз маҳалласидаги ёшларни жойлаштирди. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг ўсиши туфайли корхона олаётган даромад ҳам кўпайди. Тадбиркор ушбу даромад ҳисобидан маҳалласидаги ёлғиз қария, ногирон, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак бериб келяпти.

**Абдулла САФОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

# ОИТС — ажал элчиси

ФАРҒОНА шаҳрининг Нодирабегим номидаги маҳалласи ҳудудида жойлашган Алоқа касб-ҳунар коллежи қошида ахборот-ресурс маркази ишлаб турибди. Яқинда бу марказ мутасаддилари ҳамда йиғин фаоллари ташаббуси билан ўқувчи-ёшлар иштирокида "ОИТС — ажал элчиси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ОИТСнинг тарқалиши жиддий салбий оқибатларга олиб келиши хусусида гапиришди. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларни оммавий спорт машғулотларига, турли тўгаракларга жалб этиш лозимлиги таъкидланди.

Учрашув сўнггида ёшлар ўртасида ОИТСнинг олдини олишга қаратилган саҳна чиқишлари намойиш этилди.

**М.МАҲМУДОВ**

# Табиатга меҳр уйғотар

Кўчат экиб, боғ яратиш эзгу амаллар сирасига киради. Шу йилнинг илк баҳор кунлари Ўзбекистон экологик ҳаракати Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлинмаси марказий кенгаши аъзолари ҳамда «Ёшлар қаноти» фаоллар гуруҳи ташаббуси билан Қарши шаҳрида «Экологик боғ» ташкил этилган эди.

Вилоят марказий ўрмон хўжалиги ҳудудидаги 5 гектар ер ободонлаштирилиб, 2 мингдан ортиқ турли манзарали кўчат ўтқазилганди. Боғда манзарали ва мевали дарахтларни иқлимлаштириш, уларнинг янги навларини яратиш, тажриба ўтказиш ишларини ҳам амалга ошириш кўзда тутилган. Бугунги кунда дарахт ва гул кўчатларига ишлов бериш авжида.

— "Экологик боғ" атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлашда, ёшларнинг табиатга меҳр уйғотишида муҳим аҳамият касб этади, — дейди вилоят экологик ҳаракати раҳбари Тўлқин Раҳимов. — Келгусида боғни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз. Энг муҳими, ёшлар бу ерда иқлимга мос навлар яратиш устида иш олиб боришади.

**Санобар БОЙМУРОДОВА,**
**"Mahalla" мухбири.**

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

# Боғларида файз-барака бор

Бозор оралаб юрганимизда савдо расталарида кўзни қамаштирувчи меваларни кўриб, деҳқонга балли, дегимиз келади. Орамизда шундай инсонлар борки, улар тупроқни кўзига тўтиё қилиб, қақраган ерда гиёҳ ундириб, боғу бўстон яратишади. Ҳар бир ниҳолни боласидек авайлаб, парвариш қилиш, ҳосилга киргунча заҳмат чекиб, меҳр бериш ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Фақат асл деҳқонгина бунинг уддасидан чиқади.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Халқобод қишлоғида ана шундай меҳнаткаш, ер билан тиллаша оладиган инсонлар кўплиги боис, маҳаллалар обод бўлмоқда.

— Қишлоғимиз «Боғбон», «Ватан», «Халқа», Навоий, Бобур ва Акмал Икромов номидаги маҳаллалардан таркиб топган, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Султонов. — Айни пайтда бу ерда 18 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладошларнинг меҳнатсеварлиги, тадбиркорлигидан қувонаман. Ҳар бир хонадон ўз томорқасида сабзавот ва полиз экинларини етиштириб, оила эҳтиёжини таъминлашдан ташқари, қўшимча даромадга ҳам эга бўлмоқда. Қишлоғимиз замини мева, сабзавот ва боғдорчиликка қулайлиги боис, аҳолининг аксарияти шу соҳа билан шуғулланади. Биргина Акмал Икромов номидаги маҳаллада етмишга яқин фермер хўжалиги бор.

Қишлоқ оқсоқолининг сўзларидан сўнг бизда намунали фермер хўжаликлари фаолияти билан танишиш истаги пайдо бўлди. Оқсоқол ҳамроҳлигида «Фаёз — барака боғи»га йўл олдик.

— Боғимиз аввал «Халқобод биллур меваси» деб аталарди, — дейди хўжалик раҳбари Дилрабо Файзиева. — 2009 йилдан бошлаб, баракали бўлсин деган ниятда «Фаёз — барака боғи» деб қайта номладик. Боғимиз ҳудуди 10 гектардан иборат бўлиб, олма, олхўри, шафтоли каби мевали дарахтларга бой. Шафтоли дарахтини парвариш қилиш осону, лекин кўпроқ «эркаласангиз», шохалаб кетади. Шунинг учун вақт-вақти билан новдаларини кесиб, бутаб турамиз. Олхўри эса инжиқроқ, унга кўпроқ меҳр бериб, мевага киргунча анча заҳмат чекиш керак. Боғимизда етиштирилаётган олмалар юртимиз бозорларини тўлдирибгина қолмай, хорижга ҳам жўнатилмоқда. Боғдаги бирор-бир дарахтнинг қаровсиз қолишига йўл қўймаймиз. Ҳар бир дарахтни уйғониш арафасида, гуллаганда, мевага киргунча 3 маротаба дорилаб, зараркунанда ҳашоратлар пайдо бўлишининг олдини оламиз. Куз фаслида маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирамиз. Шунга яраша пишиқчилик вақтида 6-7 тоннагача мева етиштириб, шартнома режасидан ортганини маҳалла-кўйга, қўни-қўшниларга улашамиз.

Халқимиз азалдан ерни қадрлаб, унга ризқ-рўз, насиба манбаи сифатида қарайди. «Ерни боқсанг, ер сени боқади», деган ҳикматли сўз бежизга айтилмаган. Дилрабо Файзиева бошчилигидаги хўжалик аъзолари ҳам ерга меҳр бериб, унинг



беҳисоб ҳадяларидан баҳраманд бўлаётган инсонлардан.

— Боғу роғлар маҳалламизга кўрк бағишлабгина қолмай, халқимизни мазали ва арзон мевалар билан таъминлаяпти, — дейди шу маҳаллада яшовчи Тўра Ашуров. — Маҳалла оқсоқоли Жўра Эшонқулов ва Дилрабо опанинг ташаббуслари билан ҳар йили кам таъминланган оилаларга, шаҳардаги меҳрибонлик уйларига саховат ёрдамлари кўрсатиляпти. Боғда ишлаётган 3-4 оила аъзолари ҳам шу меҳнатнинг орқасидан фарзандларини вояга етказиб, тўйлар қилиб, фаровонликда умр кечиришяпти.

Яқинда Фарғона вилоятининг Қува туманидан икки минг туп олхўри, бир ярим минг туп шафтоли кўчати келтириб, ерга қадаган Дилрабо опанинг янги боғдан умиди катта. У меҳнати эвазига келадиган даромадга мевани қайта ишлаш цехи очиш ниятида.

Инсонни меҳнат улуғлайди. Гўшасини боғу бўстонга айлантириб, эл фаровонлигини таъминлаётган фидойи инсонлар Халқободда кўплаб топилади. Зеро, уларнинг меҳнати билан юртимиз бозорларида сифатли ва арзон мевалар, дастурхонимизда ноз-неъматлар бисёр.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

ҚИШЛОҚДАГИ ШИНАМ УЙ

# Шароитимиз шаҳарникидан қолишмайди

— ДЕЙИШМОҚДА Фарғона туманидаги "Миндонобод" маҳалласи аҳолиси



Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий типдаги, барча қулайликларга эга тураржойлар барпо этилишида муҳим омил бўлди. Қарорга мувофиқ, Фарғона туманининг "Миндонобод" маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам намунавий лойиҳалар асосида 20 та уйдан иборат тураржой массиви қурилиши бошлаб юборилган эди. Айни кунларда мазкур қурилиш ниҳоясига етказилиб, сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

"Фарғона — Водил" катта йўли устида барпо этилаётган мазкур массивнинг илк тамал тоши ўтган йилнинг охирида "Қувасойқурилиштаъмир" МЧЖ бунёдкорлари томонидан қўйилганди. Қувонарлиси, ҳудудда қисқа фурсат ичида кўрган кишини завқлантирадиган, бугунги дориломон кунларга шукрона айтишга ундайдиган гўзал маскан қад ростлади. Замон талабларига тўла мос келадиган янги уй-жойлардаги шароитлар шаҳардагидан асло қолишмайди. Бу ерда асосан 4 хонадан иборат 2 қаватли уйлар бунёд этилган бўлиб, ошхона, ювиниш хоналари мавжуд. Шунингдек, "Акфа" эшик-ромлари ўрнатилиб, томларига черепица қопланган. Тураржойларни тоза ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш ишлари вилоятдаги бир қатор қурилиш-монтаж ташкилотлари ҳамкорлигида якунига етказилди. Ҳозир ободонлаштириш, асфальт ётқизиш ишлари олиб борилмоқда.

— Уч нафар ўғил, бир қиз ва 5 нафар набирам бор, — дейди янги уйлардан бирининг соҳиби Алишер ака Мирзаев. — Илгари бундай шароитни фақат орзу қилардик. Юртбошимизга минг раҳмат, қисқа фурсат ичида иссиқ-совуқ сув, шинамгина ошхона ва бошқа кўплаб қулайликлари бор уй-жойга эга бўлдик. Янги уйга кўч-кўронимизни олиб киришни ҳам бошлаб юборганмиз. Насиб этса, яқин кунлар ичида ҳам уй тўйини, ҳам иккинчи ўғилнинг никоҳ тўйини янги уйда ўтказамиз.

Аҳамиятлиси, хонадонларни мебель жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида уй эгаларининг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, "Файзли Бағдод" МЧЖ мебелсозлари буюртмаларни бажариб беришяпти. Бундан ташқари, янги уй соҳибларига вилоятдаги тижорат банклари томонидан истеъмол кредитлари ажратиш масаласи ҳам ҳал қилиняпти.

— Янги уйлардан бирига эга бўлдим, — дейди Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ходими Тўлқиной Бобораҳимова. — Уй қийматининг 25 фоизини қурилиш бошланишидан аввал бўнак сифатида тўладим, қолган қисми банк томонидан кредит қилиб берилди. "Файзли Бағдод" МЧЖ мебелсозлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар дидимга мос келиб турибди. Нархи ҳам бозордагига нисбатан арзонроқ, сифатлироқ, муҳими, транспорт воситалари ўзларининг ҳисобидан экан. Буюртмани бердик, бугун-эрта мебелсозлар уйни жиҳозлаб беришади.

Айни кунларда ҳудудда яна 30 та янги уй-жой қуриш ишлари бошлаб юборилган. Бу уйлар истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, савдо мажмуаси, бозорча, болалар майдончаси, қишлоқ врачлик пункти, мактабгача таълим муассасаси ҳам барпо этилади. Бир сўз билан айтганда, бугун "Миндонобод" маҳалласи янада гўзал қиёфа касб этиш арафасида.

**Азамат МАҲМУДОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

ПАРРАНДАЧИЛИК

# Тадбиркорлар сони ортмоқда

ИМКОНИЯТЛАРДАН оқилона фойдаланган инсон ҳаётда кўп ютуқларни қўлга киритишига ишонган Бухоро туманининг Шайхонча қишлоғида истиқомат қилаётган Ботир Қўзибоев паррандачиликни йўлга қўйишга қарор қилди. Аввало, бир неча юз товуқ сотиб олиб, "Галаосиё парранда" фермер хўжалигини ташкил этди. Қўшни вилоятларда паррандачилик билан шуғулланаётган фуқароларнинг иш тажрибасини ўрганди. Шундан сўнг фаолияти ривожланиб кетди. Бугун "Галаосиё парранда" тумандаги иқтисодий бақувват фермер хўжаликларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда хўжаликда мингтача товуқ, 200 дан зиёд бедана парваришланади.

— Эндигина фаолият бошлаган пайтимизда "Универсал—55" инкубаторини харид қилиб, техник усулда наслли жўжаларни етиштиришни йўлга қўйган эдик, — дейди Б.Қўзибоев. — Ҳозир фаолиятимизнинг асосини шу йўналиш ташкил этмоқда. Яъни биз бозорга инкубацияда етиштирилган наслли жўжаларни етказиб беряпмиз. Чунки наслли жўжалардан етиштирилган хўрозлар хонакиларига нисбатан жуссалироқ бўлади. Наслли товуқлар эса 80 кунда вояга етиб, яхши парвариш қилинса, кунига иккитадан тухум беради.

Етти нафар киши меҳнат қилаётган хўжаликда жорий йилнинг ўтган уч ойида 5000 тага яқин наслли жўжа, 10000 донадан зиёд бедана тухуми етиштирилиб, харидорларга етказиб берилди. Ҳозир тадбиркор шартнома асосида нафақат вилоят, балки қўшни навоийлик ва самарқандлик паррандабоқарларга «Ломан Браун», "Радонит" зотли наслли ҳамда хонаки товуқ жўжаларини етказиб бермоқда.

Тадбиркор айни пайтда парранда парваришлаш имконига эга, санитария талабларига жавоб берадиган янги товуқхона биносини барпо этиш орқали янада кўпроқ парранда етиштириш ниятида. Шу мақсадда Андижондан 500 дона "Пекин" зотли ўрдак тухуми келтирилиб, хўжалик инкубациясида очирилди. Тадбиркорнинг айтишича, олтмиш кундан сўнг улар вояга етиб, тухум беради.

— Ботиржон аҳолига фойдаси тегаётган тадбиркорлардан, — дейди Шайхонча қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Иброҳим Холиқулов. — Айнан унинг ҳаракати туфайли ҳудуд аҳолиси учун паррандачилик яхшигина даромад манбаига айланди. Фуқаролар йиғинидаги деярли ҳар бир хонадонда фермер хўжалигида парваришланган товуқлар бор, улардан олинган тухум ва гўшт маҳсулотлари хонадонлар эҳтиёжидан ортиб, бозорга ҳам чиқариляпти.



Айтиш жоизки, бугун вилоятда паррандачиликка муҳим даромад манбаи сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида кейинги уч йил мобайнида вилоятда паррандачилик билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари сони 50 тага етди. Ҳозир бу соҳада «Бухоропарранда» ОАЖ дан ташқари, еттита масъулияти чекланган жамият, 42 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Ўтган йилнинг шу даврида мазкур корхоналар томонидан 15 миллион 962 минг дона тухум ва 68,2 тонна гўшт ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 16 миллион донадан зиёд тухум ҳамда 81,2 тонна гўштни ташкил этмоқда. Бу эса аҳоли фаровонлигининг ошиши ва бозорларимизда парранда маҳсулотларининг нархи арзонлашувини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

**Акбар РУСТАМОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

"ЁЗ – 2010"

# Оромгоҳлар мавсумга шай

СУРХОНДАРЁ вилояти оромгоҳларида 10 мингдан зиёд ўғил-қиз ёзги таътилда мароқли дам олади

Баркамол авлод йилида ўқувчи-ёшларнинг ёзги дам олиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиши учун ҳар тарафлама тайёргарлик кўрилаётир. Шу мақсадда шаҳар ташқарисидаги ўнта ва таълим муассасалари қошидаги 91 оромгоҳда кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Вилоят маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида оромгоҳларда турли маданий-маърифий тадбирлар, қизиқарли интеллектуал беллашувлар, спорт мусобақалари ўтказиш, учрашувлар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Айни кунларда ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлари кўмагида оромгоҳлар спорт анжомлари, бадиий адабиётлар, компьютер ва бошқа техника жиҳозлари билан таъминланаётир. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ҳомийлик асосида соғломлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

**ЎзА**

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

# Ишончли ҳамкорга айланган

ЎЗБЕКИСТОНДА маҳалла ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий институтнинг ноёб шакли сифатида қадимдан мавжуд бўлган. Шу боис, маҳалла руҳи халқимизнинг турмуш тарзи билан уйғунлашиб кетган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг маҳалланинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги роли яна ҳам ошди. Маҳалла қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатувчи, ижтимоий ҳимояни амалга оширувчи, тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар берувчи, уни назорат қилувчи, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳамда ободонлаштириш юзасидан ўз ваколат доирасида иш олиб борувчи ўзини ўзи бошқариш органига айланди.

Жамиятда маҳалланинг мавқеи ортиб боргани сари, унинг обрўсини янада кўтариш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳам муҳим масалага айланмоқда. Бизнинг акциядорлик жамиятимиз вилоятдаги маҳаллалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Кўплаб корхоналаримиз бевосита маҳаллалар ҳудудида жойлашгани боис, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақиқий ҳамкоримизга айланган. Биз маҳаллаларга имкониятимиз даражасида мунтазам ёрдам бериб турамиз. Кейинги йилларда вилоятнинг Хатирчи ва Кармана туманларидаги еттита маҳаллага компьютер совға қилдик.

Корхонамизда маҳаллийлаштириш дастури асосида кейинги йилларда «Винклер» нон пишириш дастгоҳини техник қайта жиҳозлаш бўйича 200 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, 12 та янги иш ўринлари ташкил қилинди. Бундан ташқари, Умид қўрғонида Германия дастгоҳлари билан жиҳозланган қолипли нон ишлаб чиқарувчи «Wahfel» новвойхонаси ишга туширилиб, 10 киши иш билан таъминланди. Биз бу бўш иш ўринларига маҳаллалар оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб ишчи оляпмиз. Чунки маҳалла раислари, оқсоқоллар, кайвонилар кимнинг қандай ишга қобилияти бор, ким ишга виждонан ёндашишини яхши билади. Бундан ташқари, маҳалла мутасаддилари билан маслаҳатлашиб, биринчи навбатда, кўп болали, ёрдамга муҳтож кишиларни ишга жойлаштиряпмиз.

Корхонамиз, айниқса, Навоий шаҳридаги «Баҳор» маҳалласи фуқаролар йиғини билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Маҳалла аҳолиси билан корхонамиз ишчилари тез-тез учрашиб туради. Бизнинг тарғиботчиларимиз маҳалла фаоллари билан бирга аҳоли ўртасида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Шунингдек, маҳалладаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатиш ҳам жамиятимиз эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг 180 нафар ўғил-қизига, 50 нафар ногиронга хайр-саховат кўрсатиб келяпмиз.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва билимини ошириш юзасидан ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ташкил этаётган тадбирларимиз ҳам яхши самара бермоқда. Учрашувларда маҳалла фаолларининг билдирган таклиф ва мулоҳазалари келгуси режаларимизни тузишга ёрдам беряпти.

Биз корхонамиз ва маҳаллалар ўртасидаги бундай хайрли ҳамкорликни келгусида яна ҳам кенгайтириш, кекса ва ёлғиз кишиларга, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак беришни давом эттиришни режалаштириб олдик. Зеро, кексаларга, ўзгалар кўмагига муҳтожларга ёрдам бериш энг хайрли эзгу амаллардандир.

**Абдували ПЎЛАТОВ,**
**«Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.**

МОҲИЯТ

# Тариқат: тарих ва замон нигоҳида

**"Тасаввуф — ҳар бир яхши ахлоқ ила хулқланиш ва ҳар бир ёмон хулқдан чекланишдир".**

*(Имом Абу Исҳоқ Шотибий)*

Кўҳна Турон замини азал-азалдан кўплаб дунёвий ва диний илмларга асос солган ва шу илмлар ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларга бешик бўлиб келган. Айниқса, алломаларимизнинг Қуръон тафсири, ҳадисшунослик, фиқҳ, диний таълимотлар борасидаги асарлари ислом оламида юксак қадрланади. Ана шу илмлар сирасига кирган тасаввуф тариқатининг Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро сингари намоёндалари ҳам юртимиздан етишиб чиқди. Улар ўз таълимотлари орқали инсонларни комиллик сари ундаб, Аллоҳни севиб, унинг ризосига ноил этувчи амалларни бажаришга тарғиб этдилар. Асл тасаввуф таълимоти ислом шариати аҳкомларини тўла эътироф этган ҳолда, кишиларнинг ахлоқий фазилатларини такомиллаштириш йўл-йўриқларидан бири экани ушбу алломалар асарларида яққол акс этган.

"Тасаввуф" арабча сўз бўлиб, унинг келиб чиқишини тадқиқотчилар турли маъноларга боғлаганлар. **Биринчи**: тариқатда асосий эътибор қалбни поклашга қаратилгани сабабли бу атама сафо — яъни поклик сўзидан келиб чиққан дейишган. **Иккинчи**: тасаввуф вакилларининг кўпчилиги дағал жундан тўқилган кийим кийиб юришгани учун уларни суфийлар, яъни жунга ўралиб юрувчилар деб аташган. **Учинчи**: тариқатга кирганлар ўзларини тутишда кўпроқ Муҳаммад алайҳиссаломнинг масжидлари олдидаги суффада яшаб, асосий вақтини Қуръон оятларининг тафсири, ҳадислар ва бошқа илмларни ўрганишга сарфлаган ва асҳобу суффа — суффа эгалари деб аталган саҳобаларга тақлид қилганлари сабабли суффийлар, яъни суффа аҳлларига ўхшайдиганлар деб аталган. Баъзилар суфийлик лотин тилидаги **sophiya — "ҳикмат"** сўзидан олинган бўлиб, суфийларни ҳикмат эгалари деб аташганига ҳам боғлаб келишади. Моҳиятида эса инсоний камолот йўли, унда покиза руҳ ва гўзал ахлоқ тараннум этилади. Эзгулик, мардлик, қаноат, фасоҳат каби барча гўзал ахлоқий қоидалар унинг дастуридир. Бу илм амалиётда тариқат деб аталади. "Йўл" деган маънони англатувчи тариқатнинг асосий мақсади — қалбни турли иллатлардан поклаш, Аллоҳга яқин бўлиб ва унинг ризосига эришишдан иборат. Инсоният тафаккури бир-биридан фарқ қилади. Ҳаттоки бир динда бўлганлар ўртасида ҳам гарчи интилган моҳиятлари бир бўлса-да, турли қарашлар ва талқинлар пайдо бўлган. Шундан мазҳабларга бўлиниш, мазҳаблар орасида ҳам турли йўналишлар, оқимларга ажралиш рўй берган. Тариқатнинг йўриғини тутганлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ўз даврида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари мутаассиблик, жаҳолатпарастлик, маърифатсизликка қаттиқ қарши турганлар ва бу иллатларни кескин қоралаганлар.

Ул зоти шарифнинг нуқтаи назарларига кўра, Аллоҳ таолонинг марҳаматига, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб адашиш эмас, балки фарз, вожиб ва суннат амалларига содиқлик туфайли эришилади.

Бу тариқат зоҳирпарастликни қатъий қоралайди. Зеро, Тангри наздида ҳам энг мақбули — қалб ибодати. Ибодатда бошқалар кўзи учун "каромати"ни кўрсатишга ошиқадиган зоҳирпараст суфийлар — икки дунёда ҳам шармисор. Зоҳирда бегона кўринса-да, ботинни огоҳлик нури билан ёритган зотларга эса бутун дунё ҳавас қилади. Ҳазрат Нақшбанд кароматни зоҳир этишга одатланиш манманликка маҳкум қилишини, бу эса кибру ҳаво ботқоғига ботиш ва Яратганнинг марҳаматидан бебаҳра қолиш билан баробар эканини уқтирадилар.

Сўнгги асрларда тасаввуф илмининг соф моҳиятига путур ета бошлади. Халқимиз бошидан кечирган не-не бўҳронлар юртимизда ҳам тасаввуфнинг асл мазмун-моҳиятига салбий таъсир этди. Диннинг бошқа соҳаларига қараганда бу илм аслийликдан анча йироқлашиб қолди. Шубҳасиз, мустақилликка эришиб, диний ишларга эркинлик юзага келгач, тасаввуф ҳам ўзини намоён эта бошлади. Аммо бу борада бунгача бўлган уринишларнинг тўғри ҳолда бўлмагани кўпчиликни чалғитишга улгурган эди. Энг ачинарлиси, шаръий илмлардан хабардор кишиларимиз ичида ҳам тасаввуфни яхши тушунадиганлари кам эди. Баъзи бирлари эса бошқаларга "ўрнак бўлиб", аслида шариат илмини билмайдиган сохта "шайх"ларга мурид бўлиб олдилар. Ҳа, афсуски, тасаввуфни тўғри англаб, унинг мақсадларига садоқат билан ҳаракат қиладиганлар билан бирга ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун уни нотўғри талқин қилувчилар ҳам бугунги замондошларимиз орасида ҳам йўқ эмас.

Суфийлик бу — баъзи илмдан йироқ тарғиботчилар айтганидек, оилани, атрофни унутиб, таркидунё қилиш эмас, балки яхши хулқ касб этиб, эзгулик дастурида умр ўтамоқ деганидир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай дейилади:

"Исломда таркидунёчилик (роҳиблик) йўқ".

Баъзан бу дунёдан воз кечиб, узлатни ихтиёр этиб, дунёнинг асосий ишларини унутиб қўяётганлар ҳақида эшитиб қолмоқдамиз. Илм ўрганиш, ўзгаларга ўргатиш, фарзанд тарбиялаш, чиройли оила барпо этиб, доимо яхшилик йўлида юриш, яхши фикр юритиш, рост сўзлаш, гўзал амаллар қилиш билан инсонийлик мартабасини ошириш мумкин. Одамлар корига одамийлик сифати билан яраб, атрофга, атрофдагиларга холис назар билан қараб кўнгил мулкини бойитиш мумкин. Ота-она ризолигига эришиш, яқинларнинг кўнглига малҳам бўлиб, одамларга зиё тортиш аслида бандаликнинг мезонидир. Бу ҳикматни англаш — Илмнинг самарасидир.

Сўфи Аллоҳёрнинг: "Шариатсиз киши учса ҳавога, Кўнгил берма анингдек худнамога" мисралари эса бугун ўзини "пир" деб эълон қилган, Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларига юзаки муносабатда бўладиган, одамлар кўнглига қутқу солиш, мурид овлаш, давлату савлат илинжида тўрт томон изғишни одат қилган кимсалар ҳақида айтилгандек гўё.

Тасаввуфнинг буюк дарғалари, илму маърифат уммонига ғарқ бўлсалар-да, кўплаб муридлар етиштирсалар-да меҳнат қилиш, оила боқиш учун ўз касблари бўлган. Тарихда меҳнатда зийнат топиб, илмда ҳикмат топган дарғалар кўп бўлган. Улар авлодларга ибрат мактабини шу йўл билан ўтаганлар. Негаки, комил бўлиш учун ҳаромдан ҳазар ва таъмадан безор бўлмоқ керак.

Бугун ўзларини тариқатнинг пири деб мурид тўплаганларга ҳам ёки пирга қўл бериб муршидининг эшигида умрини ўтказаётган гумроҳларни ҳам бу ибрат мактабининг таҳсилига чорлаган бўлар эдик.

Биз учун муҳими тан саломатлиги ва руҳнинг тарбия топиши экан, унга тўғри ёндошмоқ лозим бўлади. Тасаввуфга оид барча нарсаларни биз эшитган ва кўрганимиз тарзида эмас, балки аждодлар каби илмий равишда ва асл моҳиятини ўрганиб йўлга қўйиш лозим. Ана шундагина руҳимиз тарбия, танимиз саломатлик топади. Тўғри англамоқ, тўғри таҳлил қилмоқ, тўғри йўлни танлаш имконини беради.

Тасаввуф ва тариқатнинг бугунги замондошимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан тўғри англаниши аслида бу эгизак сўзнинг мақсадини янада ойдинлаштиради. Бу, шубҳасиз, ислом ақидаларининг, шунингдек, Нақшбандия тариқатининг инсон маънавиятини юксалтиришдек асл йўналишининг ҳаётдаги инъикоси бўлади.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**адабиётшунос.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Ватан шаънин улуғлар мудом

< [1]

Бироқ қарорда айтиб ўтилганидек, мамлакатимизда бунёд этилган спорт иншоотларидан ҳали етарлича фойдаланилмаяпти. Хўш, бунинг асосий сабаблари нимада?

Бир пайтлар, бундан 10-15 йиллар муқаддам вилоятлардаги айрим спорт мутасаддилари спорт иншоотлари етишмаслиги туфайли кўпгина спорт турлари бўйича ҳудудий мусобақаларни ўтказишга имкон йўқлигидан нолиб гапиришарди. Бугун бу борада катта ишлар қилинди.

Кейинги йилларда ёшларни оммавий спорт машғулотларига жалб этиш, ҳудудий ва ички мусобақалар ташкил қилиш ишлари тубдан ўзгарди. Масалан, спортнинг биргина бадиий гимнастика турини оладиган бўлсак, авваллари юртимизда минг нафар атрофидаги қизлар шуғулланган бу спорт тури эндиликда 10 мингдан зиёд ёш қизларни қамраб олди. Бунинг бош сабаби, аввало, бадиий гимнастика жароҳатлардан ҳоли спорт тури бўлиб, у билан шуғулланган қизлар ҳар томонлама соғлом ва қомати тик бўлиб вояга етади.

— Мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш тизими жорий этилгач, қисқа фурсатда юртимизда қатор спорт мажмуалари бунёд этилиб, минглаб ёшлар оммавий спортга жалб қилинди, — дейди гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директори ўринбосари Азиз Умаралиев. — Айни пайтда бирон-бир ҳафта йўқки, республикамизнинг у ёки бу ҳудудида гимнастика бўйича мусобақа ўтказилмаса. Бир пайтлари Ўзбекистон гимнастикачилари йил мобайнида 5-6 марта халқаро мусобақаларда қатнашган бўлса, ҳозир спортчиларимиз 20-30 тадан зиёд нуфузли турнирларда, чемпионатларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Мутахассиснинг эътирофи ўринли. Бу биргина гимнастикадаги натижа. Ушбу ютуқни бошқа спорт турлари мисолида таҳлил этадиган бўлсак, бундан-да ёрқинроқ далилларга гувоҳ бўлиш мумкин. Бокс, эркин ва юнон-рум курашлари, дзюдо, шахмат, оғир атлетика каби спорт турларида ҳам ёшлар йил ўн икки ой мусобақаларда иштирок этиш, ўқув-машғулот йиғинларида қатнашиш билан банд бўлишади.

Аммо ҳали ҳам баъзи бир оммавийлаштириш лозим бўлган спорт турлари бўйича вилоят ёки шаҳар чемпионатлари ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри мамлакат миқёсидаги чемпионатларга қатнашилади.

Айрим спорт турларида ойлаб, баъзан ярим йиллаб ҳам вилоят чемпионатлари, биринчиликлар ўтказилмайдики, шуғулланувчи ёшлар ҳам шунга яраша. Албатта, бундай ҳолатнинг юзага келишига, аввало, жойлардаги спорт федерацияларида иш яхши йўлга қўйилмагани сабаб бўлмоқда, дейиш мумкин. Бундан ташқари, ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этишга айрим масканларда эътиборсиз қаралмоқдаки, натижада нафақат вилоят чемпионатлари, балки шаҳар ёки туман мусобақаларини ўтказишнинг аҳволи қониқарсиз.

«Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши бу каби муаммоларга барҳам бериши шубҳасиз. Зеро, бугун юртимизнинг хоҳлаган ҳудудидаги спорт мажмуасида жаҳон ёки Осиё чемпионатини ёки гран-при турнирларини ўтказишга шароит мавжуд. Замонавий спорт масканлари бунёд этилди. Бу иншоотларга ёшларни кенг жалб этиш эса жойлардаги маҳалла фаолларининг, спорт мутасаддиларининг, таълим тизимидаги тарбиячиларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ, албатта.

Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг 2010 йил 10 мартдаги йиғилишида таъкидлаганларидек, спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини юксалтириш учун имконият яратади. Зотан, имкониятдан фойдаланмоқ, тезкор замон билан ҳамнафас бўлмоқ бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

**Тўлқин РЎЗИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МЕНИНГ ҲИССАМ

# Рағбат қанот бағишлайди



Истиқлол шарофати боис мамлакатимизда баркамол авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилди. Яратилаётган шароит ва имкониятлар ёшларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлаётир. Бугун олий ўқув юрти ва бошқа таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар билан суҳбатлашсангиз, бири номзодлик ишини ёқлаётгани, бири ўз соҳасида эришган ютуғи учун тақдирланаётгани, бошқаси халқаро кўрик-танлов ғолиби бўлгани ҳақида ғурур билан гапиради. Қувонарлиси, ўз иқтидорини намойиш этаётган бундай ёшлар юртимизда талайгина. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш, интилишларига рағбат бериш мақсадида таъсис этилган Давлат мукофотлари ва Президент стипендияси, шунингдек, Навоий, Мирзо Улуғбек, Беруний номидаги стипендиялар иқтидорли талабаларни руҳлантириб, илм-фан йўналишида ғайрат кўрсатишга, юрт равнақига ўз ҳиссаларини қўшишга ундамоқда.

Ана шундай ёшлардан бири Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультети магистранти, Президент стипендияси соҳиби Шерзод Муродовдир.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси таъсис этилгандан буён иқтидорли ёшлар 11 та йўналиш бўйича ҳужжат топширишади, — дейди университетнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректори Қ.Қуронбоев. — Танловда ўқишни аъло баҳолар билан давом эттираётган талабаларнинг газета, журналларда чоп этилган илмий мақолалари ҳамда илмий (ижодий) иш билан шуғулланаётган бўлса, унинг истиқболига доир аннотация ва бошқа керакли ҳужжатлар тақдим этилади. Бундан ташқари, тарих, инглиз тили, информатика фанларидан тест синовлари ва суҳбат ўтказилади. Сўнг улар орасидан энг иқтидорли, билимли талабалар Президент стипендиясига сазовор бўлишади. Университетимиз талабаси Шерзод Муродов ҳам 2009-2010 ўқув йилида физика-математика ва кимё-биология йўналиши бўйича ўтказилган танлов босқичларидан муваффақиятли ўтиб, Президент стипендиясига лойиқ, деб топилди.

Ҳа, Бухоро Давлат университети қошидаги гимназияда таълим олаётган пайтиданоқ ўқитувчилари назарига тушган Шерзод фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва турли танловларда фаол иштирок этиб келади. Унинг гимназияда олган билими, устозларининг ўгити университетга киришида яхши замин бўлди. Бакалавр босқичини Бухорода тугатгач, Шерзод ўқишини Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетининг "Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси" мутахассислиги бўйича магистратурасида давлат гранти асосида давом эттириб келмоқда. Бу ерда ҳам у факультетлар ўртасида ўтказилган беллашувларда фаоллик кўрсатиб, фахрий ёрлиғу совринларни қўлга киритмоқда. Айниқса, унинг Президент стипендияси соҳиби бўлгани устозлари ишончини яна бир карра оқлаганидан далолатдир.

— Бундай эътибор менга янада куч-қувват бағишлади, — дейди Ш.Муродов. — Юртимизда адабиёт, санъат, фан-техника, тиббиёт, қўйингки, қайси йўналишда изланиш олиб бормайлик, шарт-шароит, имкониятлар етарли. Шу боис, Баркамол авлод йилида режаларим бисёр. Бу режаларни амалга оширишимда "Алгебра, функционал анализ" кафедраси профессор-ўқитувчилари Ўткир Розиқов ва Эркин Норматов яқиндан ёрдам беришмоқда. Айни пайтда "Эволюцион алгебралар ва уларнинг графлар назариясига татбиқи" мавзусида битирув малакавий ишимни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўряпман. Бу мавзуни танлашимдан мақсад, ҳозир катта қизиқиш билан ўрганилаётган математиканинг генетика ва биология масалаларига татбиқининг афзаллик томонлари ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш.

Талабанинг айтишича, математика ўқитувчиси ўтиладиган ҳар бир мавзуни бошқа фанларга татбиқ қилиши, уларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўллай олишни ўргатишда тегишли педагогик услубларни мавзулар билан уйғунлаштира олиши зарур. Унинг малакавий ишига қўшимча тарзда олиб бораётган "Тўпламлар ва тўпламлар устида амаллар мавзусини компьютерда ўқитиш" мавзусидаги татқиқотидан мақсади, таълим олаётган талаба-ўқувчиларга янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс ўтишда зарур қулайликларни ишлаб чиқишдан иборат.

Шерзод ушбу илмий иши давомида тўплаган тажрибаларига оид мақолалар ҳам эълон қилган. Ёш бўлишига қарамай, Россия ва қатор хорижий давлатларда ўтказилган илмий, назарий ва амалий анжуманларда маърузалар билан иштирок этиб қайтди.

Шерзод нафақат ўқишда, балки маҳалладошлари орасида ҳам ўзини кўрсата олган ёшлардан. Чунки у ўзи истиқомат қилаётган Бухоро шаҳридаги "Жўбор" маҳалласида амалга ошириладиган тадбиру танловларда фаол иштирок этади.

— Маҳалламизда эл ишига қайишадиган ёшлар кўп. Шулардан бири Шерзоджон ҳам билим, ҳам ташаббус жиҳатдан маҳалламиз ободлигига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда, — дейди "Жўбор" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Гулсун Мўминова. — Яқинда маҳалламиздаги мактабни битираётган ўқувчиларни касб-ҳунарга тўғри йўналтириш бўйича ўқув-семинар ўтказдик. Тадбирда Шерзод ҳам ўз маслаҳату таклифлари билан иштирок этди.

Ҳа, ўз билими, ақл-заковатига ишонган Шерзод каби ёшларнинг илмий-ижодий изланишларини кўриб, мустақилликнинг илк йилларданоқ таъсис этилган Президент стипендияси талаба-ёшларнинг илм олишига, юксак чўққилар сари парвоз қилишга куч ва ғайрат қўшаётганига амин бўлдик.

**Нигора ИМОМНАЗАРОВА,**
**"Mahalla" мухбири.**

САЁҲАТ

# Самарқандлик ёшлар пойтахтда



Юртимизда жорий йилнинг Баркамол авлод йили, деб номлангани ёш авлод таълим-тарбияси, саломатлиги борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир. Айниқса, ҳомийлар, маҳалла фаоллари ташаббуси билан олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва мактабларда таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчилар, фаол талаба-ёшларни муносиб рағбатлантириш, уларнинг юртимиздаги турли зиёратгоҳлар, қадамжолар, диққатга сазовор масканларга саёҳатини уюштириш анъанага айланган.

Яқинда Самарқанд шаҳридаги "Мир Саид Барака" маҳалласи мутасаддилари ҳамда қатор ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар ташаббуси билан самарқандлик бир гуруҳ ўқувчи-талабаларнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳрига саёҳати уюштирилди.

— Бу галги саёҳатга маҳалламизда истиқомат қилаётган 43 нафар фаол ўқувчи-талабани олиб келдик. Улар шаҳримиздаги олий ўқув юртларида, коллеж, академик лицей ва умумтаълим мактабларида ўқишади. Саёҳатдан кўзланган мақсад, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, қолаверса, улар онг-шуурида миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳини кучайтириш, — дейди маҳалла оқсоқоли Суннат Кубаев.

Ўқувчи-ёшлар оқсоқол С.Кубаев бошчилигида пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбони ва бошқа қатор диққатга сазовор жойларида бўлишди.

— Пойтахтимизга уюштирилган саёҳат менда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди иқтидорли ёшлардан бири, Самарқанд Темир йўл коллежи ўқувчиси Шаҳло Саъдуллаева. — Саёҳат чоғида кўплаб тарихий обидаларни, мажмуалар, зиёратгоҳлар, музейларни, осмонўпар биноларни томоша қилдик. Бунинг учун саёҳат ташкилотчилари, устозу мураббийларимиз ҳамда маҳалламиз фаолларидан миннатдормиз. Биз ёшларга яратиб берилаётган бундай имкониятлар бизни улкан эзгу ишларга ундайди.

"Мир Саид Барака" маҳалласи маслаҳатчиси Ибодат Сирожиддинованинг айтишича, саёҳатдан сўнг ёшлар "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ва тизимдаги бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари билан учрашишди.

**Ҳусниджон СУЛТОНОВ**

ТАЪЛИМ

# Шароити тўкис лицей

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти қошида ташкил этилган 3-сонли Амударё академик лицейида 423 нафар иқтидорли ёш таълим-тарбия олишмоқда. Лицейга Амударё туманидаги мактабларнинг 9-синфини аъло баҳоларда тугатган, зукко, билимли ёшлар саралаб олинади. Эътиборли жиҳати, лицейда ёшларнинг тўрт йўналиш бўйича чуқур билим олиб, кўникма ҳосил қилишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Ўқувчиларнинг мукаммал билим олишида ўқув даргоҳининг дарсликлар билан таъминланиш даражаси муҳим аҳамият касб этади. Академик лицей ўқувчиларининг Нукус Давлат педагогика институти ҳузуридаги ахборот-ресурс марказининг ўқув, компьютер ва лингафон хоналаридан бемалол фойдаланиш имкониятига эгалиги ушбу масаланинг ижобий ечилишига ёрдам бермоқда.

— Ўқувчиларимизнинг билим савиясини яхшилаш мақсадида 11 та фан тўгараклари ташкил эттанмиз, — дейди академик лицей директори Отабек Йўлдошев. — Яна бир янгилик, жорий йилдан бошлаб махсус фанларни ўқитиш учун Нукус давлат педагогика институтидан профессор, доцент ва фан номзодларини таклиф этиш йўлга қўйилади. Бу эса ўқувчиларнинг илмга бўлган қизиқишларини янада оширади, албатта. Фан хоналари, лабораториялар замон талаблари даражасидаги асбоб-ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланган.

Ҳақиқатан ҳам ўқув даргоҳида ёшларнинг билим олиши учун яратилган шароитлар ва имкониятларни кўриб ҳавасингиз келади. Академик лицейдаги спорт зали, 120 ўринга мўлжалланган мажлислар зали, 30 та аудитория ўқувчилар ихтиёрида. Лицейда ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳар йили «Менинг орзу ва тилакларим» мавзусида иншо ва рангли расмлар кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган. «Заковат» интеллектуал ўйинига қизиқувчи ёшларнинг истаклари инобатга олиниб, шундай клуб ташкил этилди. Ўқув даргоҳида спорт ўйинларига ихлосмандлар кўпчиликни ташкил этади. Жисмоний тарбия ва спорт билан 270 ўқувчи (шундан 165 нафари қизлар) мунтазам шуғулланади. Шунингдек, лицейда спортнинг баскетбол, волейбол, стол тенниси турлари бўйича гуруҳлар ўртасида мусобақалар уюштирилиб турилади.

Академик лицей жамоаси ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойида лицей ҳовлисига 200 туп арча, 150 туп манзарали дарахт, 60 туп япон сакураси, 15 туп олма кўчати ўтқазилди. Ўз бағрига иқтидорли ёшларни жамлаган ушбу академик лицей жамоасининг мақсади улуғ — ёшларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш билан бирга улар қалбига юртга садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришдир.

**Қонисбой РЕЙМОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ОИЛА-МАҲАЛЛА-МАКТАБ

# Китоб — маънавиятнинг қаноти

АНДИЖОН шаҳридаги 30-умумтаълим мактабида шу кунларда «Бадиий адабиёт» хайрия ойлиги давом этмоқда. Унда мактабнинг ўқитувчилари ва ўқувчилари, шаҳардаги «Янги турмуш», «Бобосаъдий», «Бирлашган» маҳаллалари фуқаролари йиғинлари аҳолиси фаол иштирок этмоқда.



— Мактабимиз миллий дастур асосида капитал таъмирлашдан чиқарилди, замонавий спорт зали қуриб битказилди, — дейди «Янги турмуш» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси вазифасини бажарувчи Гулчеҳрахон Умарова. — Болаларимиз шу ғамхўрликка жавобан билимли, маданиятли кишилар бўлиб ўсишлари зарур. Бунда, албатта, китобнинг аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун ҳам биз «Бадиий адабиёт» хайрия ойлигини ўтказмоқдамиз.

Мактабнинг ахборот-ресурс марказида 27 минг дона китоб бор. Бир ярим мингдан зиёд ўқувчилар ана шу бойликдан самарали фойдаланишмоқда. Ўқувчилар ҳар бир синфда китоб бурчаги ташкил этишган. Бу «кичик кутубхоналар»даги китоблар сони 300 дан зиёд. Бундан ташқари ота-оналар, ҳомийлар ҳам китоблар сонини оширишга ёрдам беришаётир.

Мактаб атрофидаги учта маҳаллада ўтадиган маънавий-маърифий тадбирлар доимо ахборот-ресурс маркази ҳамкорлигида ташкил этилади. Марказ мудири Юлдузхон Одилова маҳаллаларда бўлиб ота-оналар билан тез-тез учрашиб туради. Йиғин фаоллари билан бўладиган учрашувларда «Фарзандингиз китоб ўқийдими?» мавзусидаги суҳбатлар ота-оналарни болалар билан жиддий шуғулланишга ундамоқда. Ҳар бир оилада янги чиққан асарни ўқиб, сўнг муҳокама қилиш, китобхонлар конференциясида иштирок этиш одат тусига кирмоқда.

— Бундан 7-8 йиллар аввал бадиий адабиётга қизиқиш бироз сусайган эди, — дейди марказ раҳбари Ю.Одилова. — Таълим-тарбияни ислоҳ қилиш борасидаги янгиланишлар натижасида мактабимиз таъмирланиб, замонавий жиҳозларга эга бўлди. Болаларимизнинг яхши билим олишлари учун барча шароитлар яратилди. Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «2010 — 2012 йилларда болалар мутолаасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастури» ҳам соҳадаги ишларни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Сир эмаски, кутубхоналарда ҳозирги кунда лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувидаги бадиий адабиётлар кам. Ана шу муаммони ҳал этиш учун маҳаллалар ота-оналар ва ахборот-ресурс маркази билан ҳамкорликда янги китоблар олмоқда. Шунингдек, ота-оналар ўзларининг оилавий кутубхоналаридан мактабга китоблар совға қилишмоқда.

Болаларнинг китоб ўқишга қизиқишини ошириш учун кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Китобхонлар конференциялари, баҳс-мунозара кечалари, асар юзасидан тезкор савол-жавоб, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ана шулар жумласидандир.

Китоб маънавиятнинг қанотидир, деган эди донишмандлардан бири. Юртимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳам айнан маънавий баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган. Зотан, баркамол авлод тарбиясида билим манбаи китобнинг аҳамияти беқиёс.

**У.САКСОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Таъсирчан тарғибот ва амалий тадбирлар

## Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда қўл келмоқда



Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда Президентимизнинг «2009—2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ҳамда «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қарор ижросини таъминлаш юзасидан «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тарғиб қилиш бўйича қатор тадбирлар ўтказилаётир. Жорий йилнинг биринчи чорагида 11 та туманда ҳар ойда ҳамкор ташкилотлар, маҳалла фаоллари билан биргаликда аҳоли ўртасида учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги 474 та маҳаллада тузилган жамоат гуруҳлари томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадбирларга 98390 нафар аҳоли иштироки таъминланди ва уларга зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди. Ўз навбатида, тез тиббий хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви томонидан қабул қилинган қўшма қарори бу борадаги ишларни янада жонлантирди. Томонлар келишувига асосан, жойларда тадбирлар ўтказиш бўйича жадвал ишлаб чиқилди. Тадбирлар жадвалига кўра, ҳар ҳафтада Тошкент шаҳридаги 52 та оилавий поликлиника ва 282 та маҳаллада аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Мисол учун, пойтахтимизнинг Бектемир ва Миробод туманидаги маҳаллаларда оилавий поликлиника шифокорлари, тез тиббий ёрдам хизмати вакиллари, маҳалла фаоллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди. Айтиш жоизки, тадбирлар таъсирчанлигини оширишда интерфаол усули қўл келяпти. Ҳамкорликда ташкил этилаётган кўплаб тадбирларимиз бесамар кетмаётганлиги ҳам ана шунда, албатта.

Жорий йилнинг февраль-март ойлари мобайнида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Маънавият тарғибот маркази», Тиббий статистика институти ҳамкорлигида ишлаб чиқилган режага мувофиқ, маҳаллаларда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда, олий ўқув юртларида малакали мутахассислар, шифокорлар, ФҲДЁ бўлимлари ходимларини жалб этган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган.

Маҳаллаларда, таълим муассасаларида шарқона аҳлоқ-одоб, миллий қадриятлар, ор-номус, ибо ва иффат каби инсоний фазилатлар тарғиботига доир ўтказилган оммавий тадбирларда фахрий отахон ва онахонлар, фаоллар иштироки таъминланди. Маҳалла маслаҳатчиларининг умумтаълим мактаблари, коллежларда ташкил этилган «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлигидаги ишлари жонлантирилди.

Жойлардаги жамғарма бош мутахассислари ҳамда маҳалла маслаҳатчиларининг малакасини ошириш учун услубий иш юритиш бўйича семинар ўқувлари йўлга қўйилди. Бу эса фаол маслаҳатчиларнинг илғор тажрибаларини оммалаштиришда, комиссиялар фаолиятини янада жонлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Умида ДЎСТМУҲАМЕДОВА,**
**«Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бош мутахассиси.**

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

# Ташаббуслар қўллаб-қувватланади

БУГУНГИ кунда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада, айниқса, маҳаллалар ва тегишли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик яхши самара беряпти. «Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази» ана шундай ташкилотлардан бири. Мазкур марказ Тошкент, Қўқон ва Навоий шаҳарларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича лойиҳани амалга ошириб келмоқда. Марказ томонидан «Ўзбекистон аёллар ҳуқуқлари маданиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси асосида ўтган йилдан бери кўплаб ўқув-машғулотлар, учрашувлар ўтказилди.

Яқинда бизнинг маҳалламиз хотин-қизлари билан ана шундай учрашув бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси ходимлари, маҳалла фаоллари, комиссиялар аъзолари ва тадбиркор аёллар иштирок этишди. Учрашувда аёллар ўз ҳуқуқ ва бурчлари бўйича зарур маълумотларга эга бўлишди.

Маслаҳат хизмати хотин-қизларга 32 та касб бўйича иш танлаш ва малака оширишни тавсия этади. Бундан ташқари, тадбиркор аёлларга бизнес режа тузиш, кредит олиш ва бошқа масалаларда зарур маслаҳатлар беради. Маҳалланинг ўзида каштачилик, қуроқчилик ва бошқа касблар билан шуғулланувчи аёллар учун эса харидорлар топишда, ўз маҳсулотларини бошқа маҳсулотларга айирбошлашда ёрдам кўрсатади.

Хотин-қизлар ахборот-маслаҳат хизмати раиси Шаҳло Асамутдинова маҳалламизда ўтказиладиган бундай тадбиру учрашувларда доимо кўмакдош. Маҳалламиз фаоллари ҳамда маслаҳат хизмати раиси Ш.Асамутдинова, ҳуқуқий маслаҳатчи Умида Муҳаммадалиева ташаббуслари билан хотин-қизларга ҳафтада уч марта бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилади. Ўқув-машғулотларда етук мутахассислар, ҳуқуқшунос олимларнинг иштироки тадбирнинг жонли, мазмунли ўтишини таъминламоқда. Хотин-қизларга давлат органларига мурожаат қилиш тартибини, аёлларнинг оила, жамият олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш борасида ҳам изчил иш олиб борилаяпти.

Сир эмас, баъзи хонадонларда эр-хотин муносабатлари, никоҳсиз турмуш қуриш, мерос масалалари билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади. Тажрибамдан биламанки, бундай муаммоларнинг олдини олишда аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини оширишда тегишли ташкилотлар билан ўрнатилган ҳамкорлик қўл келади. Шу боис, келгусида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликни янада кучайтириб, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туришни режалаштирганмиз.

**Озода МУСАЕВА,**
**Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги «Лабзак» маҳалласи маслаҳатчиси.**

ЎҚУВ-СЕМИНАР

# Маънавий муҳит барқарорлиги йўлида

Нукус шаҳридаги 1-сонли тиббиёт коллежида Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган «Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўқув-семинар иштирокчилари ўз маърузаларида юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари, «Соғлом она — соғлом бола» дастурини амалга оширишда маҳалланинг ўрни, ёшларнинг турли хил диний оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳақида гапиришди.

Семинарда овул ва макон фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари томонидан берилган саволларга мутасаддилар жавоб беришди.

**Қонисбой РЕЙМОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

* * *

Урганчда ўтган ўқув-семинарда иштирокчилар «Соғлом она — соғлом бола» Давлат дастурини амалга оширишда маҳалланинг ўрни, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари, маънавий таҳдидлардан ҳимояланиш, вояга етмаган фарзандлар тарбиясига эътибор, «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги, жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда хотин-қизлар комиссиялари олиб бораётган ишлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ш.Ю.Хўжаниёзова сўзга чиқди.

**А.САФОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ФАОЛИЯТДАГИ ФАОЛЛАРИМИЗ

# Нуронийлар кўмаги ва иштирокида

«Қариси бор уйнинг париси бор», дейди халқимиз. Аслида ҳам шундай. Ҳар бир оила кексаларнинг эзгу дуолари билан обод, фаровон. Оила тинч бўлса, маҳалла тинч, юртимиз осойишта, эртанги эзгу ишларга ишонч ва иштиёқ барқарор бўлади.

Марғилон шаҳридаги «Оролбўйи» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида бошқаларга ўрнак бўлишга арзигулик намунали оилалар кўплаб топилади. Ана шундай ибратли оилалардан бири Маҳкамжон Аҳроров хонадонидир. Оила бошлиғи Маҳкамжон ота меҳнати орқасидан маҳаллада обрў-эътибор топди. Умр йўлдоши Ўлмасхон ая билан 5 нафар ўғил-қизни вояга етказиб, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун бор имкониятларини ишга солишди. Айни пайтда меҳнат фахрийси М.Аҳроров фарзандлари ва неварою чеваралари қуршовида умргузаронлик қилаётир.

Кўпни кўрган, пиру бадавлат отахон бир неча йилдан буён «Оролбўйи» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси вазифасини сидқидилдан адо этиб келмоқда. Унинг маҳаллам, маҳалладошларим, дея елиб-югуришлари боис, ҳудуд энг обод гўшалардан бирига айланди. Маҳалладаги чойхона, гузар ҳамиша одамлар билан гавжум. Оқсоқол ташаббуси билан ҳудуднинг Беҳзод, Оролбўйи кўчаларига асфальт ётқизилди. Ал-Фарғоний номидаги ва Иқбол кўчаларидаги сув қувурлари янгиланди. Электр узаттич трансформатор ҳам фаоллар кўмагида таъмирланди. Қувонарлиси, ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдамида аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Хонадонлардаги газ таъминоти яхшиланди.

Маҳалла оқсоқоли М.Аҳроров тозалик, озодаликни хуш кўради. Шу боис, атроф-муҳит тозалигига жиддий эътибор қаратади. Буни ҳашар йўли билан «Машад» қабристони ободонлаштирилганидан, ҳар бир кўчага ёриттичлар ўрнатилганидан, йўл четига мевали ва манзарали дарахту гуллар ўтқазилганидан ҳам билиш мумкин.

Дарҳақиқат, рўзғор ташвишларидан ортиб, маҳалла ташвишларини ҳам ўз елкасига олиш кишидан фидойиликни талаб қилади. Айни кунда 4 минг нафарга яқин аҳолига бош-қош, қувончу ташвишларига шерик бўлиб келаётган Маҳкамжон аканинг кундалик ишлщарини кузатиб, шунча ишга қаердан куч, ирода, сабот ва ғайрат топаётганига ҳайрон қоласан, киши.

Отахон маҳалланинг мавқеини ошириш ишлари билан бирга ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳолидан доим хабардор. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилаларга меҳр-мурувват ёрдами кўрсатиш, шунингдек, ногиронлар, ёлғиз кексалар, фахрийларни қўллаб-қувватлаш йиғин мутасаддиларининг диққат-марказида. Маҳалладошларининг тўю маъракаларини тартибли ўтказишда йиғин қошидаги комиссиялар аъзолари билан бир қаторда, ҳомий ташкилотлар, «Нуроний» жамоатчилик маркази фаоллари ҳам кўмак беришади.

Маҳалла ва марказ фаоллари ҳамкорлигида шонли саналар арафасида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига совға-саломлар улашилаётгани, шунингдек, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ҳадя этилаётгани сабабли фуқароларнинг маҳаллага бўлган ишончи, эътибори тобора ортиб бормоқда.

**М.МАҲМУДОВ**

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

# Ҳамжиҳатлик жиноятга йўл бермайди

БИР куни ёнимга маҳалла фуқаролари келиб, ҳудудда истиқомат қилувчи Абдушукур Оқилов хонадонига уч-тўрт кундан буён номаълум шахсларнинг кириб-чиқиб юргани, тунлари ҳовлидаги чироқни ўчириб, дарвозанинг ёпиб қўйилаётгани ҳақида хабар беришди. Тезкорлик билан суриштирув ишларини олиб борганимда, авваллари хонадон дарвозаси деярли очиқ, тунлари ҳовли чироғи ёниқ туриши аён бўлди.

Эшиттан ва сўраб-суриштириб билган маълумотларимни маҳалла фуқаролар йиғини раиси Волида Акромова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Фотима Эрматова ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Малика Алимова ўртасида муҳокама қилиб олгандан сўнг бу хонадонни кузатувга олдик.

Кузатувларимиз тезда ўз самарасини берди. Бу хонадонга Тожикистондан 3 кишининг меҳмонга келгани, уларнинг ёнида турли диний адабиётлар борлиги, тун бўйи диний тарғибот олиб борилаётгани маълум бўлди. Шундан сўнг мазкур адабиётлар махсус экспертизага юборилиб, меҳмонлар огоҳлантирилди. Хонадон эгалари билан маҳалла фаоллари тушунтириш ишларини олиб боришди. Айни пайтда бу ишлар ўз самарасини бермоқда.

Гулистон шаҳрининг "Дўстлик" маҳалласи фуқаролар йиғинида профилактика инспектори бўлиб ишлаётганимга уч йилдан ошди. Шу вақт мобайнида одамлар билан яқиндан танишиб, уларнинг оилавий шароитларини пухта ўрганиб чиқдим ва тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бордим. Фаолиятимдан билдимки, фуқароларнинг огоҳлиги, уларнинг сергаклиги, ён қўшнисининг уйида нималар бўлаётганидан хабардорлиги, бир-бирига меҳр-оқибати жиноят ишларини очишда муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, улар билан янада яқинроқ бўлишга ҳаракат қилмоқдаман. Агар фавқулодда ҳолатлар юзага келгудек бўлса, маҳалла фаоллари, 11 нафар «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзоларини тўплаб, уларга масаланинг моҳиятини тушунтириб, тунги навбатчиликни кучайтириш чора-тадбирларини кўриб чиқамиз.

Ҳудудимизда истиқомат қилаётган 7500 нафар аҳолининг 2200 нафарини ёшлар ташкил этади. Шу боис уларнинг тарбияси, жамоат жойларида, кўча-кўйда ўзини тутиши, юриш-туришлари доим диққат-эътиборимизда. Фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган ота-оналар ўртасида тез-тез тушунтириш ишлари олиб бормоқдамиз. Бу учрашувлар ўз самарасини кўрсатаётир.

Баҳамжиҳат иш олиб боришда гап кўп экан. "Дўстлик" маҳалласи аҳлининг тинч-тотув ҳаёт кечираётганини кўриб, бунда ўзимнинг ҳам озгина ҳиссам борлигидан хурсанд бўламан.

**Алишер ҚЎШМУРОДОВ,**
**Гулистон шаҳри "Дўстлик" маҳалласи профилактика инспектори.**

МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИ

# «Катта Қозиробод» қадимий маскан

Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги "Катта Қозиробод" маҳалласи қадимги масканлардан. Маҳалла ҳудуди 1955 йилгача, асосан, боғу роғлар, дала-ҳовлилардан иборат бўлган. Бу ерга шаҳар марказида яшовчи аҳоли баҳорда келиб, экин экиб, кеч кузга қадар ҳосилни парвариш қилишган. Ҳосилни йиғиб бўлишгач, қишлаш учун шаҳардаги уйларига кетишган. Боғдорчилик билан шуғулланувчи бу оилалар 270 хонадондан иборат бўлган. Бора-бора аҳоли ўтроқлашиб, болаларни ўқитиш учун мактабга зарурат туғилган. Аввал икки хонали 1-, 2-синфларга мўлжалланган мактаб очилган. Кейинчалик эса мактаб биноси кенгайтирилган. Бу ерда боғдорчиликдан ташқари ҳунармандлик ҳам ривожланган.

А.Муҳаммадкаримовнинг "Тошкентнома" китобида ёзилишича, маҳалла ҳудудида қўшимча кичик дарвоза бунёд этилган. Аҳоли мавзеларга борадиган йўлни ободонлаштириш мақсадида ҳашарлар уюштирган. Аҳолининг ташаббуси туфайли чойхона, савдо ва турли ҳунармандчилик дўконлари қурилади, бир сўз билан айтганда, маскан ободонлаштирилади. Шу сабабли маҳалла "Қозиробод" номини олган, дейилади манбада.

Маҳалла учта йирик кўчадан иборат бўлиб, кейинчалик 22 та кўчага бўлиниб кетган.

Маҳаллада жамоатчилик кенгаши тузилган бўлиб, унинг таркибидаги шифокорлар, маҳалла фоллари, маслаҳатчилар томонидан ҳар бир хонадондаги тиббий дафтарчалар мунтазам текшириб борилади. Маҳалла маслаҳатчилари оилаларнинг моддий-ижтимоий аҳволини яхши билишади. Муаммоларни ечишга кўмак бериши учун шифокорлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалла раиси, имом-хатиб, фаоллар ҳамда нуроний отахонлардан иборат Нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаолияти ҳам таҳсинга сазовор.

— Маҳалламизда 8 та мулкдорлар ширкати тузилган. 36 та кўпқаватли уйларда таъмирлаш, тозалаш ишлари олиб борилмоқда, — дейди маҳалла оқсоқоли Жўра Бадалов. — Таъкидлаш керакки, ҳовли-жойларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳар шанба-якшанба кунлари ҳашар уюштириб туради. Маҳаллада 16 та боқувчисини йўқотган оила, 15 нафар ногирон яшайди. Ҳомийлар кўмагида уларнинг газ, электр ва бошқа тўловлари қопланмоқда.

"Катта Қозиробод" маҳалласи ўтган йили «Маҳаллам тарихини ўрганаман» республика кўрик-танловида иккинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, маҳалланинг "Энг намунали Яраштириш комиссияси" республика кўрик-танловида ҳам ғолиб деб топилгани аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётганидан далолатдир.

**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА**

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# Юз билан юзлашиб

ҲАМҚИШЛОҒИМИЗ нуроний онахон Қалмоқ момо Тўраева 100 ёшга тўлди, деган хушхабарни эшитдиму, зиёрат қилиш ниятида уйларига бордим. Қутлуғ ёшга тўлган момо истиқболимга пешвоз чиқди: ҳаракатлари тетик, бардам, гап-сўзлари маъноли. Илиққина саломаликдан сўнг момони суҳбатга тортдим.

— Раҳматли отам Тўра давкар ориятли, феъли чапанироқ киши эди. Бобом ва отамни қулоқ қилишгач, бутун чорвасини тортиб олиб, ўзларининг оёқ-қўлини боғлаб олиб кетишди. Синглим иккаламиз очликдан зор қақшаган кунларимиз ҳам бўлди.

Момо кўзларидаги намни енгига артаркан, қалбининг тубидаги изтироб юз-кўзида акс этди. Унинг йиллар чизиқ солган нуроний чеҳрасига тикиламан. Шу топда момонинг хаёллари олис ўтмишда кезмоқда. Эҳтимол, турмуш ўртоғини урушга жўнатиб, уни етти йил интизор кутгани, бу орада тўнғич фарзанди Отамуроджоннинг оғир дардга чалиниб, тиббий ёрдамга муҳтож ҳолда жон бергани, ноҳақ азоб-уқубатлар чеккани... Эҳ-ҳе, бу воқеаларнинг ҳар бири алоҳида асарга мавзу бўлгулик.

Момо оғир тин олди. Узоқ ўтмиш хотиралари билан онахонни бир оз толиқтириб қўйганим учун хижолат чекдим.

— Шукр, бугунги тўқчилик, тўкинчилик кунларига етиб келдик, — дейди момо юзларига табассум югуриб. — 4 ўғил, 3 қизимнинг бари ўзларидан тиниб-тинчиган. Катта ўғлим Абдумурод иқтисодчи, Очилбек фермер, Холли ички ишлар ходими, кенжам Орол тадбиркор. 51 невара, 62 чевара, 35 нафар эвараларим қуршовида ўзимни бахтли ҳис этаман.

**Эшмурод ХЎЖАМОВ,**
**Чироқчи тумани.**

«УНИВЕРСИАДА — 2010»

# Талабаларнинг катта спорт байрами

**28 — 30 МАЙ кунлари Андижонда талаба ёшларнинг «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари бўлиб ўтади.**



Мамлакатимизда уч босқичли спорт тизимининг жорий этилгани ҳамда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани натижасида қисқа фурсатда ёшларимиз орасидан юзлаб нуфузли турнирларнинг ғолиблари етишиб чиққан бўлса, Ватанимизнинг шаҳару қишлоқларида бири-биридан кўркам, замонавий спорт мажмуалари қад ростлади.

Уч босқичли спорт тизимининг юқори бўғини бўлган Универсиада спорт ўйинларига бу йил ҳар галгидан ҳам қизғин ҳозирлик кўрилди. Натижада спорт ўйинлари бўйича Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қарши, Нукус шаҳарларида ўтган минтақавий босқич баҳслари жойларда том маънода байрамга айланиб кетди. Босқич ғолиблари энди Андижонда совринли ўринлар учун кураш олиб борадиган бўлишди.

— Андижон мусобақалари нафақат талабаларнинг катта спорт байрами, балки 238 нафар мураббий учун истеъдодларни саралаш майдони ҳамдир, — дейди «Универсиада — 2010» спорт ўйинларини ўтказиш штабининг масъул котиби Билол Агзамов. — Бу галги Универсиада спорт ўйинларининг финал беллашувларида 1778 нафар спортчи медаллар учун кураш олиб боришса, 154 нафар ҳакам уларнинг маҳоратларини баҳолашади. Шунингдек, турли спорт ташкилотлари ва олий ўқув юртларидан 2700 нафардан зиёд меҳмон тадбирларда бевосита иштирок этади.

Гап спортнинг ўн икки тури бўйича Андижонда ўтадиган баҳсларда кимнинг ғолиб ёки мағлуб бўлишида эмас. Энг муҳими, мусобақалар натижасида ёшларимиз янада жипслашади, дўстлашади, маҳорати ошади. Уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси юксалади. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб этилади. Бу эса эртага Ўзбекистон шуҳратини дунёга достон этадиган спортчилар авлодининг камол топишига хизмат қилади, албатта.

**Лазизбек ВОҲИДОВ**

ИМКОНИЯТ

# Тадбиркорлик фаолияти ҳимояда

**КЕЙИНГИ** йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни чеклаш, солиқ тизимини такомиллаштириш, тадбиркорларнинг имтиёзларини кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур фармонга кўра, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда, фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, агар текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади. Назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларида ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ўтказган ҳар қандай текшируви учун жавобгарликка ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фармондаги муҳим янгиликлардан бири тадбиркорлик субъектларига фақат суд орқали қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чоралари доирасининг белгиланишидир. Хусусан, фаолиятни тугатиш ва ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказишга доир ишларнинг барчаси, шунингдек, молиявий санкцияларни қўллаш, фаолиятни ва банклардаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларни ўн иш кунидан ортиқ муддатга тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги ишлар тегишли судлар томонидан ҳал қилинади. Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ваколати давлат солиқ органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Энг муҳими, бу жараёндаги турли келишмовчиликларга барҳам беради.

Таъкидлаш жоизки, департаментнинг асосий вазифаси ҳам қонунни бузмасдан ишлаётган тадбиркорлар фаолиятига аралашиш эмас, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда яширин иқтисодий фаолият олиб борувчи «тадбиркорлар»ни фош этиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва валюта билан боғлиқ қонунбузарликларга чек қўйиш бўйича тезкор тадбирларни кучайтиришдан иборатдир.

Албатта, юқоридаги қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани, биринчидан, текширишлар сонининг кескин камайишига олиб келса, иккинчидан, назорат органлари томонидан такрорий текширувлар ўтказилишининг олдини олади, энг асосийси, тадбиркорларда самарали ишлаш ва изланиш учун кўпроқ вақт бўлади.

**Бекзод ДАДАЖОНОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДАҚК Департаменти бўлим катта инспектори.**

ТАРАДДУД

# Майдонда маҳоратлилар беллашади

Фарғона водийсининг гавҳари, деб таърифланган гўзал Андижон яна тантана оғушида. Шаҳарнинг замонавий спорт мажмуаларида «Универсиада — 2010» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи беллашувларига старт берилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги олий ўқув юртларининг энг яхши талаба-спортчилари бир неча кун давомида спортнинг 12 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борадилар.

Ушбу спорт тантаналарининг футбол мусобақалари маҳалламизда янги қуриб битказилган «Футбол академияси» мажмуасида ўтказилиши бизни беҳад қувонтирди. Маҳалладошларимиз ажойиб футбол ўйинларининг гувоҳи бўлиб, оламолам завқ оладилар. Айниқса, фарзандларимиз учун бу мусобақалар катта шодиёнага айланса ажаб эмас.

«Универсиада — 2010» спорт мусобақаларига ҳозирлик кўришда маҳалламиз аҳли ҳам фаол иштирок этди. Оқсоқоллар раҳбарлигида кўчалар, ариқлар тозаланди, гуллар экилди. «Футбол академияси» жойлашган Мирзажон Муҳиддинов кўчасида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Маҳалла тадбиркорлари ёрдами, фуқароларнинг фаол иштирокида деворлар, дарвозалар бир хил рангга бўялди. Йўл бўйидаги дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

**Маъмуржон АБДУЛЛАЕВ,**
**Андижон шаҳридаги Исломобод маҳалласи фаоли, меҳнат фахрийси.**

ГИМНАСТИКА

# Чемпионат якунланди

Пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида спорт гимнастикаси бўйича мамлакат чемпионати якунланди.

Спорт усталари ўртасидаги кўпкураш баҳсларида пойтахтлик Отабек Машарипов шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллади. Тошкент вилояти вакили Давлат Норматов иккинчи ўринни банд этган бўлса, учинчи ўрин фарғоналик Салоҳиддин Мирзаевга насиб этди.

Спорт усталигига номзод гимнастикачилар ўртасидаги кўпкураш баҳсларида Тошкент вилояти вакили Жамшид Ҳикматиллаев олтин медалга сазовор бўлди. Фарғоналик Муҳаммад Сулаймонов кумуш, самарқандлик Давлат Абдуллаев бронза медални қўлга киритди.

Қизлар ўртасидаги кўпкуращда пойтахтлик гимнастикачиларга тенг келадигани топилмади. Спорт усталари ўртасида Луиза Галиулина биринчи, Диана Каримжонова иккинчи ва Ирина Володченко учинчи ўринни эгаллади. Спорт усталигига номзод гимнастикачи қизлардан Анастасия Белькова, Эльвина Амзаева ва Ҳилола Дониёрова ғолиб, деб топилди.

**ЎзА**

БИР ЎЛКАКИ...

# Кўҳитанг пойининг гавҳари

Харсангтош устида атрофни кузатиб ўтирибман. Ёнгинамдан шарқираб Толбулоқсой томонларга бир ариқ оқиб ўтяпти. Пойимда оқаётган сув ўйноқлаб, тошдан-тошга урилади. Оппоқ кўпик қопланган тўлқинчалар эркаланаётгандай шўхланади. Рўпарада эса Қўрчитоғ ҳамда оқшом хаёлига чўмган Оққўртонсой дараси салобат тўкиб турибди. Манзара моҳир мусаввир яратган санъат асарига ўхшайди. Баланд-паст тоғ қояларидаги хирагина шакллар Ғарб меъморчилигининг ўрта асрларга хос услубини ёдга солади. Тикилиб қарасангиз кўз ўнгингизда муҳташам саройларнинг элас-элас жонланаётган суврати гавдалангандек бўлади.

Қуйироқда эса гоҳ ним яшил, гоҳида оч сариқ қалин арчалар кўзга ташланади. Улар гўё сокинлик бағрига сингиб бораётгандек. Чунки мудом эсиб турувчи кўкламги шабадада бирор шох ёки бутоқнинг қилт этганини сезмайсиз. Улар шу туришича аввал қўлда чизилиб, сўнгра атрофлари ўта чеварлик билан қирқилиб шакл берилган ва тоғ тўшига шундоққина қадаб қўйилган безакларга ўхшайди...

Бу бетакрор манзара Сурхон воҳасининг Шеробод туманидаги сўлим «Хўжанқо» қишлоғига хос. Саккиз юзга яқин аҳоли истиқомат қиладиган обод ва кўркам қишлоқда мактаб, фельдшер-акушерлик пункти, кинозал, болалар оромгоҳи, қатор дўконлар, маҳалла идораси, дам олувчилар учун 8 та коттеж бор. Қишлоқ аҳли тоғликларга хос самимий, чайир, соғлом ва меҳнатда тобланган инсонлар. Йигитлари от чопиш, кураш тушиш ва ов қилишни хуш кўришади. Улар, асосан, қўй-эчки боқишади, сигир парваришлайди, йилқичилик билан шуғулланишади.

Қишлоқнинг тоққа туташ қисми — «Бошчарбоғ»даги шифобахш булоқ суви ошқозон ва тери касалликларига даво. Атроф тоғ чўққилари билан ўралган. Туну кун эсиб турадиган муздай шабада кишини хаёллар оғушига чорлайди, руҳини кўтаради. Шу боис бўлса керак, бу ерда икки марта, яъни 1995 ва 1998 йилларда жаҳоннинг 65 мамлакатидан олимлар ташриф буюриб, йирик халқаро симпозиумлар ўтказилганди.

Юксак тоғлар пойида ястанган Хўжанқо қишлоғини машҳур қилган яна бир муҳим жиҳат бу жойдаги қўриқхона. Унинг ҳудудида тоғ эчкиси, силовсин, қоплон айиқ каби жониворлар кўп. Муҳими, Кўҳитангтоғ тизмаларида «Қизил китоб»га киритилган 150-200 нафар бурама шохли эчкилар ҳам бор.

Айниқса, гоҳ оқ, гоҳ қизил товланиб кўзни қувонтирувчи каллапўшдек йирик боғгули (атиргул ҳам дейишади) фақат Хўжанқода ўсади. Бетакрор табиати, гўзаллиги, обод ва кўркамлиги боис бу қишлоқни бемалол Кўҳитанг пойидаги қишлоқлар орасида гавҳари, деса бўлади.

**Тўра ҚОБИЛОВ**

МУСОБАҚА

# Таэквондочиларимиз муваффақияти

**ЖОРИЙ** йилнинг 20-23 май кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида таэквондонинг ВТФ ва ВТФ Пумсе йўналишлари бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этган ҳамюртларимиз иккита кумуш ва еттита бронза медални қўлга киритди.

Йигирма тўрт давлатдан уч юз нафардан зиёд спортчи иштирок этган мусобақада таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича қатнашган жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинлари кумуш медаль совриндори Евгения Каримова ва умидли спортчимиз Дилобар Саъдуллаева иккинчи ўринни эгаллади.



Феруз Сатторов, Зайнобиддин Назаралиев, Дмитрий Ким ва Собир Назаралиев бронза медалга лойиқ топилди.

Таэквондонинг ВТФ Пумсе йўналиши бўйича иштирок этган ҳамюртларимиздан Дмитрий Миршин, Евгений Шукбаров ва Александр Ли бронза медаль билан тақдирланди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

МАҲАЛЛА ШИФОХОНАСИ

# Агар бошингиз оғриса...

**Савол:** — ***Фарзандим бош оғриғидан шикоят қилади. Айтинг-чи, бу оғриқларнинг сабаби асабдан ҳам бўлиши мумкинми?***

Умаржон АБДУЛЛАЕВ.
Андижон вилояти Асака туманидаги «Янгисор» маҳалласи.

ОДАТДА, бош оғриғи асаб, уйқусизлик, заҳарланиш, хафақонлик, камқонлик оқибатида юз беради. Шунингдек, бош оғриғига мия суягининг лат ейиши, организмда жиддий ўзгаришларнинг содир бўлиши ҳам сабаб бўлади. Бошнинг «зирқираб оғриш», «чакканинг гангиб оғриши», «санчиқли оғриш» ва бошқа турлари қайд этилган. Бошнинг «хум бўлиб» ёки «босиб оғриши» фронтит ёки гайморитдан, тиш ёки қулоқ хасталигидан, бошнинг мия қисмидаги томирларда қоннинг кўплиги ёки камлигидан бўлиши мумкин.

Олимларнинг фикрича, бош оғриғига инсон ички аъзоларида чиқинди моддаларнинг тиқилиб қолиши ҳам сабаб бўларкан. Бундай ҳолатда организмни тозалаш лозим бўлади. Бош оғриғи ошқозон-ичак фаолиятидаги жиддий ўзгаришлар туфайли ҳам содир бўлиши мумкин. Бош оғриғини даволаш учун, аввало, шу дардга сабабчи бўлган омилларни бартараф этиш керак. Бунда табиий воситалардан фойдаланиш яхши самара беради. Қуйида мутлақ зарарсиз бўлган халқона даво усуллари хусусида тўхталамиз:

— бош лўқиллаб оғриганда хантал (горчица) кукуни тоза асал билан қўшиб, яхшилаб аралаштирилиб пешонага қўйилса, оғриқ тез қолади;

— бош «хум бўлиб» ёки кўзни тиндириб, гангитадиган тарзда оғриса, бу хафақонлик (гипертония)дан дарак беради. Бунда цитрус мевалари — лимон, апельсин, мандарин, нордон анор, довучча, кўксултон, тоғолча, ровоч каби табиат неъматларидан, шунингдек, кўк сомса, кўк чучвара, қовоқли таомлар, шотут ва қулупнай шарбатларидан истеъмол қилиш яхши натижа беради;

— бош айланиб, кўз тингандек бўлиб оғриши камқонликдан, шунингдек, қон босими пасайиб кетишидан. Агар бу ташхис шифокор томонидан қўйилган бўлса, у ҳолда олма, беҳи, узум, асал билан ёнғоқни аралаштириб истеъмол қилиш керак;

— агар тинка қуриб, бош гангираб оғриса, унда дармонбахш неъматларни истеъмол қилиш керак. Бундай бош оғриши аксарият ҳомиладор ва эмизикли аёлларда кузатилади. Дармонсизлик билан кечадиган бош оғриқларида қадим-қадимдан узум ва тут шинниси истеъмол қилинган.

Бош оғриғига бемор ўз билганича оғриқ қолдирувчи препаратлар(анальгин, тримол, ультрамол, кетонал, цинепар, этодин ва бошқа)дан фойдаланмаслиги керак. Фақат шифокорнинг тавсияси билан даволанган маъқул.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

# Нафс балоси — умр жафоси

Онаизорнинг бир кечада орзу-умидлари чил-парчин бўлди. Куни кеча кенжа фарзандининг бошини иккита қилиб, энди роҳатини кўраман, деганда...

— Юрак бағримни куйдириб кетган болам-а...

Кўксига муштлаб йиғлаётган онанинг ноласи еру кўкни ларзага солди...

Ҳаммаси бир парча ердан бошланди. Кенжа ўғли Зокиржонни уйлаган она рўзғорни тиклаб олишни ўйларди. Раҳматли турмуш ўртоғи билан тўнғич ўғли Тойиржон қир бағридан янги ер очишганди. Ўша ерни Зокиржонга хатлаб берсаммикин, деган ўй ўтди хаёлидан. Тойиржондан кўнгли тўқ, ўзини ўнглаб олган, ҳовли-жойи бор. Бундан ташқари, томорқасидан келаётган даромад ҳам ёмонмас. Бу фикрини катта ўғли Тойиржонга айтганида, у индамай тескари қаради. Буни она ризоликка йўйди. Бир қориндан талашиб тушган жигарлар-да, йўқ дермиди, деган ўй билан она қарорини амалга оширди. Янги келин-куёв кўч-кўронини олиб, қирга деҳқончилик қилиш учун кўчиб чиқишди.

32 сотих ер укасининг номига ўтган кундан бошлаб Тойирнинг тинчи йўқолди. Ахир, ўша ерда унинг ҳам улуши бор эди-ку. Бу ҳақда ўйлагани сари унинг ғазаби қўзирди. У бир неча бор укаси билан жанжал қилди, ҳатто ёқалашишгача боришди. Айниқса, ичган пайтлари Тойирни таниб бўлмасди. Оқибатда, ака-ука ўртасидаги ришталар узилиб, уларнинг бир-бирини кўришга кўзи, отишга ўқи қолмади.

Тойир болалигидан жаҳли тез, тажанг феъл эди. Шу боис, унинг айтгани айтган, дегани деган бўларди. Онаси ерни хатлаб бераман, деганида нима жин уриб индамади, ҳеч ўйлаб ўйига етолмасди. Отаси билан тер тўкиб ишлов берган ерга укасининг осонгина эгалик қилаётганини у "ҳазм қилолмади". Кўзи қонга тўлиб, ғазаб отига минган ака ярим тунда болта кўтариб, укаси ва келини ётган чайлага қараб йўл олди. Нафс, алам, жаҳл Тойирни одамийликдан мосуво қилганди. Ухлаб ётган укасининг тепасида болта кўтариб турганида ҳам юраги «жиз» этмади. Аксинча, алам билан укасининг бошига болта билан ура бошлади. Шу пайт уйғониб қолган келинни кўриб, ваҳшийларча унга ташланди. Бечора келин бошига келиб тушган зарбдан доддлашга ҳам улгурмади. Қилғилиқни қилиб қўйган Тойир жиноят изларини йўқотиш мақсадида ариқ устидаги кўприкни бузиб ташлаб, изига қайтди.

Эртаси кун, бу мудҳиш воқеани эшитиб, даҳшатга тушган қоратутликлар қонга беланиб ётган Зокирни уйига, чалажон Марямни эса касалхонага олиб кетишди.

Одамнинг оласи ичида бўларкан. Тойир укасининг дафн маросимида дод солиб йиғлади. Орада укамни сенлар ўлдиргансан, деб қўшниларига ташланар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига қотилни топиб бермасанглар ўзларингдан кўринглар, деб дўқпўписа ҳам қиларди. Ҳатто уларга ёрдам бериш баҳонасида ўзи ўйлаб топган гумондорларни кўрсатди. Ахир, ким ҳам ундан шубҳа қиларди. Биринчидан жиноятини ҳеч ким кўрмаган бўлса, укаси учун жони ачиб югураётганини ҳамма билиб турибди. Бундан ташқари, ягона гувоҳ келини эса жон талашиб ётибди. Аммо у ўйлагандай бўлмади: шифокорлар ёрдами билан келиннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Жиноят фош қилинди. Тойир Сафаров одил суд ҳукми билан тегишли жазосини олди. Бироқ...

Агар қўни-қўшни, маҳалла-кўй эътиборсиз бўлмаганида, ака-ука ўртасидаги келишмовчилик ўз вақтида бартараф этилиб, улар муросага келтирилганида бу воқеа содир бўлармиди? Афсуски, ҳамма ўз тинчини ўйлади. Ҳатто маҳалла оқсоқоли, профилактика инспектори ҳам бу низога лоқайд қаращди. Энг ачинарлиси, бир вақтнинг ўзида она икки ўғлидан айрилди. Икки оила барбод бўлди. Муштипар она ногирон келини-ю, норасида гўдаклар билан ёлғиз қолди...

**Рўзиқул БЕКНАЗАРОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг судьяси.**

# «Ҳар фарзандга — меҳр, эътибор!»



< [1]

«Ҳар фарзандга — меҳр, эътибор!» шиори остида ўтказилаётган ҳафталикда андижонликлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Ҳафталик давомида вилоят марказидаги маданият ва истироҳат боғларида, Бобур номидаги миллий истироҳат боғида, Болалар боғида ранг-баранг тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Болалар боғидаги турли атракционлар ҳафта давомида меҳмонларга бепул хизмат кўрсатади. Ҳомийлар ҳисобидан музқаймоқ сайллари уюштирилади. Шунингдек, вилоят драма ва қўғирчоқ театрлари, кинотеатрлар ҳамда музейларнинг эшиклари болалар учун очиқ бўлади.

Вилоятдаги 861 та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчасида турли спорт мусобақаларини ўтказиш, концерт дастурлари намойиш қилиш, ахборот-ресурс марказларида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар кўзда тутилган. Бу борада Андижон, Асака шаҳарлари, Пахтаобод, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа ва Балиқчи туманларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

«Маҳалла» жамғармаси бўлим ва бўлинмалари вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари, Мурувват уйлари ва «Болалар шаҳарчаси»даги болаларга мурувват ёрдами кўрсатадилар. Вилоятдаги 500 дан зиёд кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига совға-саломлар улашилади.

Ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун, унинг бахту камоли учун хизмат қилмоғи лозим. Президентимиз томонидан мустақилликнинг илк йилларида илгари сурилган бу тамойил кучли ижтимоий ҳимояга асосланган жамиятимизда устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Шу маънода, байрам кунларида ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва якка тартибда тарбияланаётган болалар ҳам эътибордан четда қолмайди. Дастур доирасида улар ҳолидан хабар олиш, уларга мурувват кўрсатиш белгиланган.

Ҳа, халқимиз болажон халқ. Қаерда бўлмайлик, қай бир ишга қўл урмайлик, ўй-хаёлимиз фарзандларимиз камоли ҳақидаги режалар билан банд. Уларнинг иқболи баланд бўлишини ният қиламиз. Бугун юртимизда бунёд этилган ва этилаётган муҳташам спорт, санъат кошоналари, билим масканлари — барча-барчаси болалар учун, уларнинг бахту саодати учун эканлигини дунё эътироф этмоқда. Олимпиада майдонларида, жаҳон чемпионатларида, илм-фан, санъат кошоналарида Ўзбекистон болаларининг ғолиблик шохсупаларига кўтарилиб, улар шарафига Ватан мадҳиясининг янграётгани — бу «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт»лигининг ифодасидир.

**Мухбирларимиз.**

МУРУВВАТ

# Боланинг бегонаси бўлмайди

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалласида жойлашган 22-Меҳрибонлик уйига борганимда ҳовлида нималарнидир муҳокама қилаётган икки нафар бола эътиборимни тортди. Уларнинг қошу кўзи, юз тузилиши икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш.

— Танишсак бўладими? — дедим уларга юзланиб.

Болалар бирваракайига салом бериб, ўзларини танитишди.

— Менинг исмим Ҳасан, бу укам Ҳусан, 1-оилавий гуруҳданмиз.

— Нима ҳақида баҳслашяпсиз?

— Меҳрибонлик уйимизда амалий ҳайкалтарошлик тўгараги очилган. Устозимиз Адҳам ака ҳар ҳафта шанба куни дарсдан бўш вақтимизда турли ҳайкалчалар ясашни ўргатади. Ўтган йилги танловда ғолиб чиқиб, олтин медаль олган эдим. Бу йил диплом билан тақдирландим. Укам билан тенгдошларимизнинг ижоди ҳақида гаплашаётган эдик.

— Хўш, таассуротлар қандай?

— Бизнинг гуруҳимиз яхши натижага эришди. Ҳусан Муродов «Асал еб турган айиқча»ни ясаб олтин медалга эга бўлди. Азиз Тангиров эса «Коптокнинг устига чиқиб турган мушукча»ни ясаб, кумуш медаль олди.

— Баракалла, энди мени директор хонасига бошлайсизларми?

— Сизга йўл кўрсатган бу болалар бизнинг фахримиз, — дея қарши олди Меҳрибонлик уйи директори Гуландон Субҳонова. — Икки жуфт эгизагимиз бор. Ҳасан-Ҳусан Муродов ва Саломовлар. Болажонларимиз тиришқоқ, билимга чанқоқ. Улар тумандаги 128 - мактабнинг 7- ва 5-синфларида таҳсил олишади. Яқинда Баркамол авлод йилига бағишланган «Тасвирий санъат ҳафталиги» доирасидаги мактабдан ташқари таълим муассасалари тўгарак аъзолари ўртасида ўтказилган «Камалак — 2010» танловида ҳайкалтарошлик бўйича ғолиб ва совриндор бўлиб, юзимизни ёруғ қилишди. Меҳрибонлик уйидаги 115 нафар ўғил-қиз орасида шеър ёзадиган, дутор чаладиган, айниқса, расм чизишга қобилиятли болалар кўп. Тарбияланувчилар мактабда таълим олиб қайтгач, шаҳардаги «Sen Yolg`iz Emassan» болалар жамғармасида қизиққан фанларидан қўшимча дарс олишади. Улар бўш вақтларига қараб, 13 та тўгаракда машғулотлар билан шуғулланишади.

Республикамизнинг турли вилоятларидан келган 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар шу ерда яшаб, таълим-тарбия олишади. Тоза, озода ётоқхоналар, дам олиш ва дарс тайёрлаш хоналари болажонлар ихтиёрида. Уларга бириктирилган 17 нафар тарбиячининг 5 нафари «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишондори, бир нафари «Шуҳрат» медали соҳиби.

— Бу даргоҳда фаолиятимни бошлаганимга 14 йил бўлди, — дейди тарбиячи Ҳафиза Рафиқова.— Баъзида талабчан она бўлсам, баъзида болаларга тенгдошдек муомала қиламан. Тарбиямдаги ўғил-қизларнинг ҳар бири ўзига хос феъл-атворга эга. Уларнинг кўнглига йўл топиб, ҳаётга тўғри йўналтириш вазифамиз. Меҳрибонлик уйида 4 та оилавий, 2 та ҳарбий-спорт гуруҳимиз бор. Оилавий гуруҳда болаларнинг ёши фарқланмайди. Улар ака-ука, опа-сингилдек яшашади. Ўғил болалардан иборат ҳарбий-спорт гуруҳи эса ҳафтанинг белгиланган кунларида Олий ҳарбий қўмондонлик мактабининг махсус машқ майдончасида машғулот ўтказишади. Машғулотлар болаларнинг соғлом бўлишига ёрдам беради. «Уй-рўзғор академияси», «Болалар парламенти»ини ташкил қилганимиз болажонларнинг меҳнатга лаёқатини оширишда, сиёсий ва маънавий дунёқарашининг кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Бу маскандаги ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ибратли оилалардаги муҳитни ўзлаштириш мақсадида Меҳрибонлик уйи жойлашган «2-Чарх Камолон» маҳалласи билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Маҳалла фаоллари билан биргаликда ўтказилаётган тадбирларга ёшларнинг қизиқиши катта.

— Боланинг бегонаси бўлмайди. Меҳрибонлик уйида тарбия топаётган ёшлар ҳам шу юртнинг фарзандлари. Улар билан бўладиган учрашувларда ибратли оила вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этиб, фойдали маслаҳатлар беришади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби С.Ибрагимова. — Яқинда Меҳрибонлик уйида тарбия топиб, мустақил ҳаёт остонасида турган икки нафар ёшнинг тўйини ўтказдик. Совчиликдан тортиб, барча маросимларни ихчамлаштириб ташкиллаштирдик. Бундан ташқари, маҳалламизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ҳар фарзандга — меҳр, эътибор!» шиори остидаги махсус ҳафталик доирасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айнан мазкур ҳафталик доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандлари, Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларини шаҳримиздаги дам олиш ва истироҳат боғларига саёҳатини режалаштирганмиз. Меҳрибонлик уйи фақат байрам ва тадбирларда эмас, ҳар доимо маҳалла аҳлининг эътиборида.

Болалик ширин орзулари билан гўзал. У дамларни эслаб, беғубор болаликнинг беташвиш кунларини қўмсамаган инсон топилмаса керак. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам умрнинг шундай тотли палласида давлатимизнинг ғамхўрлигида она-Ватанга меҳр, эртанги кунга ишонч руҳида камолга етмоқда.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Mahalla» мухбири.**



© Фото-Носир Ҳайдаров

**Суратда:** Хасан ва Хусан Саломовлар.

МУЛОҲАЗА

# Қўғирчоқлар овунчоқ...ми?

БУГУН дунёда кечаётган глобаллашув жараёни, фан ва техниканинг илғор тараққиёти инсоният учун чексиз имкониятлар эшигини очмоқда. Чунончи, дунёнинг нариги бурчагида юз берган воқеа бир зумда жаҳонга тарқалади. Компьютер сир-синоатларини беш қўлдай биладиган болани бундан ўн йил олдинги тенгдоши билан қиёслаш мушкул. Айниқса, интернет тизими ёшларимиз ҳаётининг бир бўлагига айланиб улгурди.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида одамларимиз онгида пайдо бўлган ғоявий бўшлиқ ўрнини маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» эгаллаши мумкинлигидан хавотирланиб, таъкидлайди: «Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди».

Юртбошимиз куюнчаклик билан таъкидлаган бу масала барчамизни ҳушёрликка, эҳтиёткорликка ундайди. Шу ўринда ғоят арзимасдек бўлиб кўринган, аммо кимларнингдир «оммавий маданияти»ни тарғиб қилаётган қўғирчоқлар хусусида тўхталмоқчимиз.

Ҳаётий кузатишлардан маълумки, ёш болалар қизиқувчан, ён-атрофдаги воқеаларни борича қабул қиладиган бўлишади. Шу нуқтаи назардан болажонларга кўзни қувнатадиган, уларни руҳан бойитадиган, онг ва тафаккурларида умуминсоний фазилатларни куртак оттириб, атроф-муҳитга меҳр уйғотадиган ижодий маҳсулотлар тавсия этилади. Одатда, ўғил болалар нарса-буюмга, темир-терсакка ўч бўлишса, қизалоқлар қўғирчоқларга қизиқишади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бола тафаккурига миллий анъаналар, қадриятлар айнан ўйнайдиган ўйинчоқлари ва ўйинлари билан сингади, куртак отадики, булар фарзандларимиз маънавий дунёсининг миллий қадриятларимиздан озиқланиб шаклланишида муҳим омилдир. Бироқ ҳозирги кунда бозорларда, дўконларда шаклу шамойили, кийими, сочлари, безаклари билан миллий анъаналаримизга мутлақо ёт бўлган «Барби» қўғирчоқларини учратамиз. Бу қўғирчоқлар кириб бормаган хонадонни, уни ўйнамаган қизчани топиш мушкул.

Руҳшуносларнинг фикрича, «Барби» қўғирчоғи нафақат кичик ёшли қизалоққа, балки ўсмир қизларга ҳам салбий таъсир кўрсатаркан. Бу қўғирчоқ билан овунадиган қиз унинг қадди-қомати, шаклу шамойилини ўзи билан таққослайди, натижада унда нега менинг қоматим буникига ўхшамайди, нега менинг сочларим қўғирчоғимникидек эмас, деган фикр пайдо бўлади. Оқибатда эса ўсмир унга ўхшашга ҳаракат қила бошлайди: парҳез тутади, сочларини сариққа бўяйди, калта, очиқ-сочиқ ва баданига ёпишиб турадиган кийимлар кияди... Натижада уларда беҳаёлик, миллий анъаналаримизга ҳурматсизлик, соғлиғидан воз кечиб бўлса-да, мода ортидан қувиш каби иллатлар шакллана бошлайди.

Ёшлигимизда атлас кўйлакчалар билан ясатилган қўғирчоғимизга исм қўярдик, алла айтиб, бешикка белардик. Аммо бугунги қизалоқнинг кап-катта аёл кўринишидаги, малла сочлари елкасига ёйилиб, юзларига турфа бўёқ чапланган, ибо-ҳаёдан йироқ, ярим яланғоч «қўғирчоқ»қа алла айтиши ғайритабиий туюлганидек, унга қандай исм бериши ҳам ғалати. Яқинда кўчада ўйнаб юрган қизчалардан қўғирчоқларининг исмини сўрадим. «Менинг қўғирчоғимнинг исми Мэри», деди бири, «Бунинг исми Сара, мана буники Леонора», дея чуғурлашди қизчалар. Таассуфки, уларнинг ҳеч бири қўғирчоғига ўзбекча исм бермабди. Чунки, бу қўғирчоқларни ўзбекча номлаб ҳам бўлмасди-да!

Бу «оммавий маданият»нинг оддийгина кўриниши, афсуски, маънавий таҳдиднинг бир қарашда беозор, ўта маданиятли ва жозибадор бундай кўринишлари талайгина.

Болаликдек беғубор ва унутилмас онларни ўйинчоқларсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Бироқ фарзандларига қўғирчоқ сотиб олаётган юртдошларимизнинг аксарияти миллий қадриятларимизга мос ўйинчоқлар камлигидан нолишади.

— Набираларимга миллий қўғирчоқларимиздан сотиб олмоқчи бўламан, аммо бозорларимизда бундай қўғирчоқлар топилавермайди, — дейди Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги «Ободон» маҳалласида яшовчи Авазхон Нуриддинов. — Оқибатда, ўзимиз истамасак ҳам хориждан келтирилган ўйинчоқлардан харид қилишимизга тўғри келади. Қўғирчоқ ясовчи ҳунармандлар кўп, уларнинг маҳсулотига талаб юқори. Бироқ негадир бозорларимизда уларнинг маҳсулотлари кам кўринади. Уста-ҳунармандларимиз ясаган қўғирчоқлар фақат хорижий сайёҳларни эмас, болажонларимизни ҳам хурсанд қилишини хоҳлардик.

Дарҳақиқат, миллий қўғирчоқлар ясайдиган ҳунармандларимиз, уларнинг касбкори ҳақида, қолаверса, халқаро танловлар совриндори бўлганлигини кўп эшитамиз. Истагимиз, бундай уста-ҳунармандлар кўпайсин, бозорларимизни «малласоч хонимлар» ўрнига атлас кўйлак, бекасам нимчали, сочлари қирқта ўрилиб, дўппи кийган қўғирчоқлар тўлдирсин. Зеро, фарзанд тарбиясига ҳаёт-мамот масаласи сифатида қараб келган ўзбек халқи азалдан уятни ўлимдан қаттиқ ҳисоблайди, ор-номус ва мағрур яшашни тирикликнинг асоси, деб билади. Бу каби ўзбекона қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш баркамол авлод камолотидаги энг тўғри тарбия ҳисобланади. «Ядро полигонларидан ҳам даҳшатлироқ бўлган маънавий хуружлар»дан фарзандлар қалби ва онгини ҳимоялаш эса барчамизнинг бурчимиздир.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

ТЎЙХОНА САБОҚЛАРИ

# Миллий либос кийган келинчак

Маҳалла оқсоқоли билан суҳбатлашиб, уйига қайтган Зайнихон ака хотини ва қизини ёнига чақирди.

— Онаси, мен ҳозир маҳалла идорасидан келяпман, — деди у. — Оқсоқол билан тўйнинг маслаҳатини қилдик. Кечқурун бўладиган тўй базмларини кундуз кунига кўчириш тўғрисида гап бўлди. Маҳалла оқсоқоли шуни сизлар бошлаб беринглар, деяпти. Қуда томон рози экан. Ҳа, яна бир гап. Маҳалла фаоллари келинчакларнинг тўй базмига миллий либосда чиқишини таклиф қилишди. Бу менга ҳам маъқул бўлди. 1-2 соатга, деб олинадиган кўйлакка ортиқча пул сарфлагандан кўра, уни болаларимиз бирор кам-кўстига харжлайди.

Бу сўзларни эшитган келин бўлмиш Шоҳистанинг қовоғи уйилди.

— Нимага, дугоналарим ҳаммаси оқ кўйлак кийганда мен киймаслигим керак?! — Дадасига бир оғиз сўз деёлмаган қиз онасига кўнглини ёрди. Онаси Мавлуда опа баъмани, яхши-ёмоннинг фарқига борадиган аёл эмасми, дарҳол қизини ёнига олиб, ҳаммасини ётиғи билан тушунтирди. Ниҳоят, қудаларнинг келишуви билан ортиқча сарф-харажатсиз, ихчамгина тўй бўлиб ўтди.

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги «Янгировот» маҳалласида бўлган бу тўй шундай замонавий анъанани бошлаб берди.

— Маҳалладаги Тўй ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш комиссияси аъзоларининг ташаббуси билан тўй базмларини кундуз куни нишонлашни йўлга қўйдик, — дейди маҳалла қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳом Қаршиев. — Бу базмлар кечқурун бўладиган тўйларга нисбатан анча тартибли ўтмоқда. Маҳалла фаоллари билан биргаликда тўйларни исрофгарчиликка йўл қўймай ташкиллаштираяпмиз. Ҳар бир хонадон томорқасида мева ва сабзавотлар, полиз экинлари етиштирилади. Айниқса, аҳолининг кўп қисми картошка экинидан яхшигина даромад олади. Хонадондаги ҳовлиларда ўрик ва гилосдан тортиб, ёнғоққача бор. Бу мевалар бизнинг иқлимда яхши ҳосил беради. Шу боис, тўйларда ҳам маҳалланинг ўзидан чиққан ноз-неъматлар дастурхонга тортилади.

— Ўзимизнинг миллий либосларимиз келинчакларнинг ҳуснига ҳусн қўшади. Энг асосийси, ҳамёнбоп, ортиқча харажатга ўрин қолмайди, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Ҳусния Тўлаева. — Маҳалламизда қўлигул чевар аёллар кўп. Уларнинг саъй-ҳаракати билан маҳалла қошида тикувчилик тўгараклари ташкил этилди. Мақсуда Кубаеванинг миллий матолардан яратган либослари туманимиз миқиёсида харидоргир. Ҳозир унинг 10 га яқин шогирди келинчаклар учун нимча, кўйлак, дўппи тикиб, ҳунар сирларини эгаллашмоқда.

Шоҳиста келин бўлиб тушган хонадон маҳалланинг зиёли, намунали оилаларидан. Қайнотаси Актам ота, қайнонаси Назира ая нуроний ёшда. Шоҳиста бу оиланинг учинчи келини.

Актам ота маҳалла йиғинидан қайтар экан, дарвоза остонасида елиб-югуриб, хизмат қилаётган келинининг саломига алик олиб:

— Илоҳим, кам бўлманг қизим. Маҳалла-кўй бугун сизни жуда мақтади. «Актам отанинг келини тўйга миллий либос кийиб чиқди», деб ҳамманинг оғзида дув-дув гап. Бошқа қизлар ҳам сиздан ўрнак олишсин, — деди оталарча меҳр билан.

Бу гапдан Шоҳистанинг кўнгли ёришди...

**Г. БАХТИЁРОВА**

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
233-39-89 233-10-73
236-53-93 236-53-75,
236-57-62 Факс: — 236-57-94

www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: Т.Рўзиев, Ю.Хожиева
Мусаҳҳиҳ: Гўзал Норчаева
Нашр кўрсаткичи: 148

20902 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-413

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили:
Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.

Топширилди — 03.45 1 2 3 4 5